Жамиятда ўқитувчи касби энг нуфузли ва обрўли касб бўлиши лозим.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

O‘zingni angla!

Hurriyat

Mustaqil gazeta

2026-yil
30-sentyabr
chorshanba
№ 39 (1517)

Gazeta 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ★ www.uzhurriyat.uz ★ hurriyatuz@mail.ru ★ t.me/hurriyatuz ★ Hurriyat gazetasi

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Янги Ўзбекистонда таълим-тарбия тизимини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш, соҳада ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, ўқув жараёнига илғор тажрибалар, инновацион педагогик ва рақамли технологияларни кенг жорий этиш ишларига қўшаётган муносиб ҳиссаси, ўқувчи ёшларга замонавий билим ва касб-ҳунарларни ўргатиш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш, маънан етук, соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш йўлидаги катта хизматлари, фарзандларимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги ибратли фаолияти, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки, шунингдек, юртимизда таълимга оид инвестиция лойиҳаларини амалга ошириб келаётгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

“Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси” фахрий унвони билан

Саидов Эргаш Алланазарович – Денов туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Сапарбаев Азимбай Сабурович – Амударё туманидаги 36-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими” фахрий унвони билан

Шамукарамов Камил Туйгунович – Чиноз туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Хакимова Рахима Салижоновна – Наманган шаҳридаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Наманган вилояти

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвони билан

Раимов Исматулла – Зомин туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг жамоатчилик кенгаши раиси, Жиззах вилояти

Солеев Ахмаджон – Самарқанд давлат университетининг ўқув ишлари бўйича биринчи проректори

(Давоми 2-бетда).

1 ОКТЯБРЬ – ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

Ҳар йили октябрь ойининг бошида юртимиз ўзгача кайфият билан яшайди. Бу кайфиятнинг номи — миннатдорлик. Биз ҳар бир инсон ҳаётида илк ҳарфни ўргатган, биринчи саволига жавоб берган, илк бор “сен буни уддалай оласан” дея ишонч билдирган муҳтарам зотларни эслаймиз. 1 октябрь — мана шундай фидойи инсонлар, яъни устоз ва мураббийларнинг касб байрамидир.

Ўзбек халқи азалдан “Устоз отангдан улуғ” деган ҳикматга амал қилиб келган. Бу нақл замирида чуқур ижтимоий ҳақиқат мужассам: жамият бугун қандай муаллимни тарбияласа, келажакда ана шундай жамиятга айланади. Шу боис давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Янги Ўзбекистон пойдеворини яратишда таълим, илм-фан ва муаллим мақомини давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтарди.



МУАЛЛИМ – МИЛЛАТ МАЪРИФАТИНИНГ МЕЪМОРИ

Президентимизнинг маърузаларини кузатсак, уларда бир муҳим фикр қизил ипдек ўтади: тараққиётнинг калити билимли ва замонавий фикрлайдиган авлодда, бундай авлодни эса фақат юксак маънавиятли ҳамда касбий жиҳатдан пухта муаллимгина тарбиялай олади. Юртбошимиз таълим тизимини Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш вазифаси билан чамбарчас боғлайди. Бу шунчаки шиор эмас, балки муаллимга юкланган тарихий масъулиятдир. Зеро, биз бугунги синфхоналарда эртанги куннинг олимлари, муҳандислари, шоирлари ва давлат арбобларини тарбияламоқдамиз.

Ушбу қарашларнинг асосий мазмун-моҳиятини қуйидагича умумлаштириш мумкин:

Биринчидан, муаллим, Президентимиз айтганларидек, жамиятда энг ҳурматли ва обрўли инсон бўлиши керак. Бу тамойил нафақат маънавий эътирофни, балки муайян ижтимоий ва моддий кафолатларни ҳам кўзда тутади: муаллимнинг иш ҳақи, муносиб турмуш шароити, ижтимоий ҳимояси ва шаъни ҳамиша давлат эътиборида бўлмоғи лозим. Зеро, ўз қадр-қиммати ва нуфузини ҳис қилган муаллимгина ёш авлодга ишонч ва ғурур бағишлай олади.

Иккинчидан, таълимнинг сифати муаллимнинг савияси билан белгиланади. Ҳар қандай ислоҳот — хоҳ янги ўқув дастури, хоҳ замонавий дарслик ёки рақамли платформа бўлсин — фақат муаллим қўлидагина жонланади. Шу сабабли Давлатимиз раҳбари педагог кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини мунтазам такомиллаштиришни алоҳида уқтиради.

Учинчидан, таълим ва тарбия — ажралмас яхлит жараён. Бугунги дунёда ахборот шиддати ичида улғаяётган болага фақат билим беришнинг ўзи етарли эмас. Шу билан бирга, уни ахборотни тўғри саралашга, Ватанга садоқат ҳамда миллий қадриятларга ҳурмат руҳида камол топтириш шарт.

4-6.

ИНСОН ҚАДРИ

ЕТТИ МИЛЛИЙ ДАСТУР:

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ САРИ

Мустақиллигимизнинг 35 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Давлатимиз раҳбари томонидан келгуси ўн йилликда мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга олиб чиқувчи 7 та миллий дастур эълон қилинди.

Шу ўринда ўтган даврда, аниқроғи, сўнгги 8-10 йил ичида ўзининг кўлами, ютуқ ва натижалари билан асрга татигулик янгиланишлар юз берганини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Энг аввало, ҳар бир инсон эркин ва фаровон ҳаёт кечирадиган хавфсиз жамият барпо этиш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди. Ушбу эзгу мақсадларнинг узвий давоми бўлган 7 та миллий дастурнинг ҳар бири жамият ҳаётининг муҳим бўғинларини модернизация қилишга қаратилган.

Айниқса, билим ва малака, соғлиқни сақлаш, юқори технологиялар ва меҳнат унумдорлиги, сув ва экология, қонун устуворлиги, маҳалла институти ҳамда тинчликсевар ташқи сиёсат сингари стратегик йўналишлар қамраб олингани ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз бешинчи миллий дастур суд мустақиллигини кучайтириш ҳамда қонун устуворлигини таъминлашни умуммиллий қадриятга айлантиришдан иборат эканини алоҳида таъкидлади.

Бу жараёнда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида асосий эътибор инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ҳамда халқнинг давлатдан рози бўлишини таъминлашга қаратилади.

Айнан ушбу йўналишда бугунги кунда ички ишлар органларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар тизимнинг халқчил, шаффоф ва сифатли давлат хизматлари кўрсатувчи тузилмага айланиб бораётганидан далолат беради.

Сўнгги йилларда ички ишлар органлари тизимини замон талаблари асосида қайта ташкил этиш, бошқарув механизмларини такомиллаштириш ва ходимларнинг касбий маҳоратини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Белгилаб берилган устувор вазифалар доирасида ички ишлар органларининг иш услуби тубдан ўзгартирилиб, тизим аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш бўйича янги босқичга кўтарилди.

Бугунги кунда Ички ишлар вазирлиги томонидан аҳолига 60 га яқин давлат хизмати кўрсатилаётган бўлиб, уларнинг 95 фоизи тўлиқ рақамли кўринишда тақдим этилмоқда.

Халқаро экспертлар ва маҳаллий мутахассислар томонидан 2026 йилнинг январь-апрель ойларида ўтказилган “Сифатли давлат бошқаруви”ни баҳолаш дастури якунларига кўра, Ички ишлар вазирлиги республикамиздаги 40 дан ортиқ вазирлик ва идоралар орасида давлат хизматларини кўрсатиш самарадорлиги бўйича энг намунали давлат органи сифатида эътироф этилди.

Шунингдек, рақамлаштириш бўйича миллий рейтингда вазирлик 2023 йилдаги 31-ўриндан 5-ўринга, ахборот хавфсизлиги рейтингида эса 51-ўриндан 1-ўринга кўтарилди.

2-б.

ФАХР



ЎЗБЕКИСТОН – ИККИ КАРРА ОЛИМПИАДА ЧЕМПИОНИ!

Спортчининг шахсий ҳисобда олимпиадада ғолиб чиқиши мушкул масала. Олимпиаданинг жамоавий мусобақасида ғолиб чиқиш – оламшумул воқеа. Жамоанинг иккинчи бор олимпиадада ғолиб чиқиши эса тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфларда ёзилгувчи ғалаба. Шахмат бўйича Ўзбекистон эркаклар миллий терма жамоаси Самарқандда ўтказилган 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида юртимиз ва спорт тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилгувчи ана шундай ғалабага эришди!

Самарқанддаги олимпиадада 200 дан ортиқ давлатдан 2000 нафардан зиёд шахмат усталари дона суришди. Швейцарча тизимда ўтказилган мусобақада рейтинг асосида жуфтликлар аниқланади. Жаҳон рейтингида юқори ўринда бўлган Нодирбек Абдусатторов, Жавоҳир Синдоров, Нодирбек Ёқуббоев, Шамсиддин Воҳидов ва Муҳиддин Мадаминовдан иборат миллий терма жамоамиз жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов мураббийлигида дастлабки тур ўйинларида рақиблари устидан йирик ғалабаларга эришди: Ямайка – 4 : 0, Перу – 3,5 : 0,5, Австрия – 3 : 1, Туркия – 3 : 1, Венгрия – 4 : 0.

8-б.

БОҚИЙ РИШТА

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ — БИРЛИГИМИЗ ВА ЮКСАЛИШИМИЗ ГАРОВИ

Ҳар йили 30 июлда мамлакатимизда алоҳида кўтаринки руҳ ва самимият билан нишонланадиган Халқлар дўстлиги куни жамиятимизнинг энг бебаҳо бойлиги бўлмиш миллатлараро тотувлик, дину эътиқодлар ўртасидаги ҳурмат ва ҳамжиҳатликка янада чуқур эътибор қаратиш имконини беради.



Акмал САИДОВ,
академик

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон халқига йўллаган байрам табригида таъкидланганидек: **“Турли миллатга мансуб юртдошларимиз орасида ўнлаб депутат ва сенаторлар, давлат ва жамоат арбоблари, таниқли ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият, санъат ва спорт намояндалари, бизнес вакиллари муносиб фаолият кўрсатаётгани, уларнинг 2 минг нафарга яқини Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланган мамлакатимизда ҳукм сураётган ижтимоий тенглик, адолат ва инклюзивликнинг амалий намунаси, десак, тўғри бўлади”.**

Ушбу фикр юртимизда миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик нафақат маънавий қадрият, балки амалдаги ҳаётий ҳақиқат эканини яққол намоён этади. Эслатиб ўтиш жоизки, мазкур сана 2021 йилда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан юртимизда Халқлар дўстлиги куни деб эълон қилинган эди. Шу тариқа жаҳон миқёсида Халқаро дўстлик куни сифатида нишонланадиган 30 июль республикамизда ўзига хос миллий байрам мақомини олди.

Ўзбекистон замини қадим-қадимдан Шарқ ва Ғарбни боғлаб турган Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашгани боис, турли цивилизациялар, маданиятлар ва миллатлар туташган макон бўлиб келган. Асрлар давомида бу тупроқда яшаган турли халқлар бир оила фарзандидек тотувликда, бир-бирининг урф-одат ва қадриятларини ҳурмат қилган ҳолда умргузаронлик қилган.

5-б.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор” фахрий унвони билан

Курбонов Миртемир Шодиевич – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ион-плазма ва лазер технологиялари институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози” фахрий унвони билан

Муқимов Ботирбек Ашурович – Олтинкўл туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Нажмидинов Вахиддин Эргашевич – Спортнинг қишки ва мураккаб техник турлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг баҳодирлар ўйинлари ва тош кўтариш бўлими мураббийси

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими” фахрий унвони билан

Утеева Гулнора Лукмановна – Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа мактабининг ўзбек халқ чолғулари бўлими жўрнавози

“Фидокорона хизматлари учун” ордени билан

Мамажанов Алижон – Фарғона давлат университетининг тилшунослик кафедраси профессори, Фарғона вилояти

Мелиев Абдуҳалим Хуррамович – Самарқанд шаҳридаги “Нурли маскан” ихтисослаштирилган 59-мактаб-интернати директори, Самарқанд вилояти

Мухамедбаева Замира Абдулжапаровна – Тошкент кимё-технология институтининг Янгиер филиали кимёвий технологиялар кафедраси профессори, Сирдарё вилояти

Нишанов Нурмухамад Хажимаматович – Учқўрғон туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Очилов Шухрат Саидович – Бухоро тумани спорт мактабининг дзюдо бўйича мураббийси, Бухоро вилояти

“Меҳнат шуҳрати” ордени билан

Йўлдашев Дилмурод Каримжонович – Шаҳрихон тумани ихтисослаштирилган мактабининг физика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Кўчкинов Зиёдулло Ахмедович – Бандихон тумани ихтисослаштирилган мактабининг тасвирий санъат фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Миртаджиева Карамат Тахировна – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Астрономия институти лаборатория мудири

Сайимова Сарсенгул Алписбаевна – Қораўзак туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг ўзбек тили фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Сафаров Эшкабул Юлдашович – Ўзбекистон Миллий университетининг геодезия, картография ва кадастр кафедраси профессори

Узаков Заир – Қарши давлат техника университети компьютер тизимларининг дастурий ва техникавий таъминоти кафедраси профессори, Қашқадарё вилояти

I даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

Виноградова Валентина Ивановна – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ўсимлик моддалари кимёси институти катта илмий ходими

Гофурова Саодат Мусаевна – Марғилон шаҳридаги 29-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Пардаев Шукурулла Бозорович – Боёвут туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Усманова Наргиза Мирзадавлатовна – Мирзо Улуғбек туманидаги 190-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Яхшиева Зухра Зиятовна – Жиззах давлат педагогика университетининг табиий фанлар факультети декани, Жиззах вилояти

II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

Абдуллаева Гулноз Хасановна – Урганч тумани ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг биология фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Бекмуродова Сожида Ўраловна – Яккасарой туманидаги 160-ихтисослаштирилган мактабининг технология фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Исхакова Мавлюда Рахмановна – Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг педагогика ва психология кафедраси доценти

Муратова Гулбахор Камилевна – Юнусобод туманидаги “Erudite education” нодавлат таълим муассасаси раҳбари, Тошкент шаҳри

Нурова Наргиза Ташевна – Кармана туманидаги алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган 25-мактаб-интернатининг якка эшитиш фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Хакимова Абидахон Азимжоновна – Асака туманидаги 57-умумий ўрта таълим мактаби директори, Андижон вилояти

Холиқов Тўрақул Жўраевич – Ғиждувон туманидаги 28-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Шодиев Бектош Шокирович – Каттақўрғон туманидаги 1-ихтисослаштирилган мактабининг математика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

“Дўстлик” ордени билан

Ангела Папенбург – Германия Федератив Республикасининг “GP Günter Papenburg AG” компанияси директорлар кенгаши аъзоси

Байриева Алмагул Қурбановна – Қорақалпоқ давлат университетининг сиёсатшунослик ва маънавият асослари кафедраси мудири

Бегишева Лаура Дюшеевна – Хонобод шаҳридаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Андижон вилояти

Бузикова Гулсина Фаязовна – Яшнобод туманидаги “Diplomat international school” нодавлат таълим муассасасининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Имамов Эркин Зуннунович – Тошкент ахборот технологиялари университетининг физика кафедраси профессори

Кан Людмила Николаевна – Яшнобод туманидаги 10-болалар мусиқа ва санъат мактабининг фортепиано синфи ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Кандрегула Ганга Бҳавани Сантош Кумари – Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг Хорижий мутахассисларни жалб қилиш бўйича экспертлар кенгаши аъзоси

Маттиас Клингенберг – Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ)нинг “Ўзбекистонда касбий таълим тизимини ислоҳ қилиш ва модернизация қилиш жараёнини қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси раҳбари

Мураткин Валерий Николаевич – Бектемир туманидаги 1-спорт мактабининг йўриқчи-услубчиси, Тошкент шаҳри

Разова Батпа Пазиловна – Бўстонлиқ туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Сатторов Бобоназар Нуфтиллаевич – Касби тумани 1-техникуми директори, Қашқадарё вилояти

Фу Зенгзҳенг – Ўзбекистон-Хитой касбий таълим альянси бош котибининг ўринбосари

II даражали “Саломатлик” ордени билан

Абдурафикова Дилдора Абдувахидовна – Оҳангарон шаҳридаги алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган 7-мактаб логопеди, Тошкент вилояти

Абдурахмонова Нигора Худойбердиевна – Абу Али ибн Сино номидаги Термиз жамоат саломатлиги техникуми директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, Сурхондарё вилояти

Мамарасулов Тўлқинжон Мирзаевич – Қарши давлат университетининг тиббиёт факультети кафедра мудири, Қашқадарё вилояти

Турдибоев Абдуғани Абдуғаппорович – Фарғона шаҳридаги ногиронлиги бўлган болалар учун “Ғамхўрлик” маркази директори, Фарғона вилояти

“Мардлик” ордени билан

Алламбергенова Нигора Гулмурзаевна – Қонликўл туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг ўзбек тили фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Мусаев Мирзахмат Байматович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг От спорти бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби мураббийси

Кушмуротов Элмурот Журакулович – “University of innovation technologies” нодавлат таълим муассасаси таъсисчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Сафаров Суҳробжон Янгибой ўғли – Жарқўрғон тумани спорт мактаби директори, Сурхондарё вилояти

Юнусов Ахмадали Хайдаралиевич – Учкўприк тумани 2-техникумининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

“Соғлом турмуш” медали билан

Алиева Наргиза Зиёдиллаевна – Навоий педагогика техникумининг педагогика психологияси фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Бобоев Пўлат Жумабоевич – Ҳазорасп туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Гадоев Азизбек Илхомович – Гулистон шаҳридаги “Болажонлар хонадоним қувончи” оилавий болалар уйи раҳбари, Сирдарё вилояти

Евстафьева Оксана Шукуровна – Мирзо Улуғбек туманидаги 190-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Мукумова Шахноза Бурановна – Қарши ихтисослаштирилган маданият мактабининг мусиқа назарияси ва фортепиано бўлими ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Пардаева Гавҳар Дониёровна – Самарқанд шаҳридаги Президент мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Умирзаков Алишер Абдикасимович – Оҳангарон туманидаги “Илғор кичкинтойлар” оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти раҳбари, Тошкент вилояти

Халматов Комил Турниязович – Республика велоспорт маҳорат мактаб-интернати директори

Эргашева Фирюза Давлатовна – Когон шаҳридаги “Анисаой” оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси, Бухоро вилояти

“Жасорат” медали билан

Ембергенова Гулнара Жолдасбаевна – Нукус шаҳридаги “Бахтли оила” оилавий болалар уйи раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси

Зиётов Фаррух Саодилла ўғли – Қарши шаҳридаги “Нурли маскан” ихтисослаштирилган 18-мактаб-интернатининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Каршиева Гулноза Туракуловна – Томди тумани ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Рўзметова Лайло Худоёровна – Нуробод туманидаги 78-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

“Содиқ хизматлари учун” медали билан

Маматова Назокат Шарипбаевна – Урганч шаҳридаги алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган 32-мактаб-интернати директори, Хоразм вилояти

Мўминов Фазлиддин Хусниддин ўғли – Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг Йиғма-ахборот ва ҳудудий масалаларни мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи

Расулов Содиқ Саъдуллаевич – Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш “Улуғбек” жамғармаси директорининг ўринбосари

Толипов Шохжахон Улуғбек ўғли – Бувайда туманидаги “Vint” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Фарғона вилояти

Хамдамов Нодир Мухаматович – Когон шаҳридаги “Akbarjon barakat” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Бухоро вилояти

“Келажак бунёдкори” медали билан

Абдубекова Мадина Ровшан қизи – Юнусобод туманидаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактабининг вокал синфи ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Атоев Абубакир Иззатилло ўғли – Бухоро давлат техника университетининг электр ва энергетика муҳандислиги кафедраси ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Сангиров Жуманиёз Алижон ўғли – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтининг Ёш олимлар кенгаши раиси ўринбосари

Хасанов Азизбек Эркин ўғли – Навоий шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Шукуруллаева Моҳинур Баҳром қизи – Тахиатош туманидаги 6-мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Юлдашев Фаррух Худаярович – Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлигининг рақамлаштириш ва ахборот технологиялари гуруҳи раҳбари

“Шуҳрат” медали билан

Абдиева Турдигул Абдужаббаровна – Самарқанд шаҳридаги 80-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Авлакулов Даврон Олимович – Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактабнинг информатика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Алибаева Барно Мусурмоновна – Дўстлик туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Алимова Саодатхон Тойировна – Қува туманидаги 66-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Ахматова Каромат Абдулазизовна – Юнусобод туманидаги 259-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Ахметова Шахноза Толкуновна – Мирзо Улуғбек туманидаги 210-умумий ўрта таълим мактабининг ўзбек тили фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Ғиёсов Хасан Мамирович – Шароф Рашидов тумани ихтисослаштирилган мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Исмоилова Одинахон Абдукаххаровна – Изоскан туманидаги 19-умумий ўрта таълим мактабининг иқтисод фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Йўлдошева Насиба Махсуд қизи – Гурлан туманидаги “Йўлдошева Насиба” оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси, Хоразм вилояти

Камалов Неъматжон Баҳодирович – Боғот тумани ихтисослаштирилган мактабининг математика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Каттаева Шаҳноза Шодиевна – Навоий шаҳридаги 18-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Курбанова Ирода Джалаловна – Қўқон шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган мактабининг математика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Қулманова Нодира Эшдавлат қизи – Жарқўрғон тумани ихтисослаштирилган мактабининг биология фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Менглиева Хурсанд Ражабовна – Нишон туманидаги 35-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Мирхамитова Дилором Худайбердиевна – Олмалиқ давлат техника институтининг металлургия ва кимёвий технологиялар факультети декани, Тошкент вилояти

Муродова Марзия Мажитовна – Вобкент туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Пардаева Юлдуз Ибрагимовна – Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Садинов Аброр Самадович – Пахтачи тумани 1-техникуми директори, Самарқанд вилояти

Садуллаева Нигора Руслановна – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизимидаги Кўп функционал инклюзив-ресурс маркази директорининг ўринбосари

Сангирова Замира Бозорбоевна – Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик марказининг педагогик маҳорат ва инклюзив таълимни ривожлантириш бўлими бошлиғи

Собитов Ахмаджон Мархаматович – Миробод туманидаги “Novda Edutainment” янги авлод дарсликларини тайёрлаш жамияти раҳбари, Тошкент шаҳри

Сулаймонов Талъат Хаётжонович – Янгиобод туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактаби директори, Жиззах вилояти

Темирова Адолат Авазхановна – Янгийўл агротехнологиялар техникумининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Тошкент вилояти

Тоҳиров Дониёр Бахтиёр ўғли – Чуст тумани ихтисослаштирилган мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Умарова Муаззам Эргашевна – Шаҳрисабз туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Умарова Саидахон Пулатовна – Янгиқўрғон туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Урунов Анвар Жамолиддинович – Наманган шаҳридаги “LSL school” хусусий мактаби директори, Наманган вилояти

Холходжаев Боходир Асатуллаевич – Тошкент давлат техника университетининг олий математика кафедраси доценти

Худойбердиев Дилшод Анорбой ўғли – Тошкент шаҳридаги Президент мактабининг кимё фани ўқитувчиси

Чориева Нилуфар Шайдуллаевна – Музработ туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2026 йил 29 сентябрь



ЕТТИ МИЛЛИЙ ДАСТУР:

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ САРИ

1-6.

Жамоатчилик томонидан ижобий баҳоланиб, кўплаб юртдошларимизнинг миннатдорлигига сабаб бўлган муҳим ташаббуслардан яна бири — ички ишлар органларида фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш тизими йўлга қўйилганидир. Хусусан, ҳар ойда Ички ишлар вазири, ҳар ҳафтада вазир ўринбосарлари ҳамда ҳудудий бошқарма бошлиқлари томонидан шахсий фуқаролар қабулларини ўтказиш қатъий тартибга солинди. Тизим очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида мунтазам равишда журналистлар, блогерлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида матбуот анжуманлари ташкил этилмоқда.

Юртимиздаги таълим муассасаларида хавфсиз муҳитни яратиш мақсадида мавжуд 10 898 та умумтаълим мактабида ўқувчиларнинг дарс машғулотларига тўлиқ қатнашишини назорат қилиш ва нохуш ҳолатларнинг олдини олиш бўйича инспектор-психолог, профилактика инспекторлари ҳамда Миллий гвардия қўриқлаш хизмати ходимларининг ҳамкорликдаги фаолияти йўлга қўйилди. Пойтахтимизда эса “Хавфсиз мактаб” концепцияси тўлиқ жорий этилди.

Жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жамоат тартибини сақлаш ва аҳоли хавфсизлигини кафолатлашга қаратилган “Хавфсиз ва соғлом юрт” тезкор-профилактик ойлиги мунтазам ўтказиб келинмоқда.

“Менинг инспекторим” мобиль иловаси ишга туширилиб, 6 миллиондан ортиқ аҳоли тизимга уланди ҳамда фуқароларнинг ички ишлар ходимлари билан тўғридан-тўғри, тезкор рақамли мулоқот олиб бориш имконияти кенгайтирилди.

Даврнинг ўткир муаммоси бўлган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши курашиш йўналишида туну кун фаолият юритадиган “Call-марказ” ишга туширилиб, аҳолига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш амалиёти кучайтирилди.

Ҳудудий ички ишлар органларидаги ҳамкорлик самарасини пойтахтимизнинг Чилонзор тумани мисолида яққол кўриш мумкин. Жорий йил бошидан Тошкент шаҳрида хавфсиз муҳитни яратиш ишларини янги босқичга олиб чиқиш ва “Чилонзор тажрибаси”ни шакллантириш мақсадида қатор комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Туман ҳокимлигида идоралараро тезкор штаб ташкил этилиб, барча маҳаллаларга ички ишлар органларининг тажрибали ходимлари, криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларга эса вазирликнинг соҳавий хизмат раҳбарлари бириктирилди.

Жамоат хавфсизлигини мустаҳкамлаш мақсадида қўшимча куч сифатида ИИВ Академияси курсантлари ва тингловчилари жалб этилди. Патруль-пост хизмати ходимларининг туну кун уч босқичли хизмат фаолияти йўлга қўйилиб, қўшимча 25 та патруль йўналиши белгиланди. Кечки ва тунги вақтларда қўриқлаш хизматининг тезкор ҳаракатланувчи 10 та гуруҳи, Миллий гвардия автоэкипажлари ва кўнгилли волонтёрлар сафарбар этилиб, хизмат самарадорлиги кескин кучайтирилди.

Оилавий низолар келиб чиқаётган хонадонлар, ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этиш эҳтимоли мавжуд бўлган шахслар билан индивидуал, манзилли ишлаш механизми такомиллаштирилди.

Тумандаги барча маҳаллаларда “Маҳалла тарғиботчиси” гуруҳлари тузилиб, фуқароларни фирибгарлик, кибержиноятлар ва ахборот технологиялари орқали содир этиладиган хавфлардан огоҳлантирувчи 323 мингдан зиёд тарғибот тарқатмалари етказилди.

Дори воситаларининг гиёҳвандлик ва психотроп моддалар рўйхатига киритилганлигини тезкор текшириш имконини берувчи “Psixotrop” телеграм боти ишга туширилди.

Вазирлик тизимидаги илмий ва таълим муассасалари томонидан маҳаллаларда криминоген вазиятни илмий таҳлил қилиш ишлари йўлга қўйилди. Жумладан, ИИВ Академиясининг 18 нафар профессор-ўқитувчиси томонидан 75 кунга мўлжалланган 12 модулли ўқув дастури асосида 308 нафар “маҳалла еттилиги” вакилларининг малакаси оширилди.

Албатта, бундай мақсадли ва пухта ҳаракатлар ўз натижасини кўрсатмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган 8 ойида туманда олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар сони сезиларли даражада камайиб, жиноятларни фош этиш кўрсаткичи яхшиланди.

Олиб борилган тарғибот ишлари натижасида аҳоли хонадонлари ва муҳим объектларни техник қўриқловга топшириш икки баробарга ортди. Натижада Чилонзор туманидаги 55 та маҳалланинг бирортаси ҳам “қизил” тоифага киритилмаслигига эришилди.

Аҳоли билан очиқ ва яқин ҳамкорлик йўлга қўйилгани, юртдошларимизнинг “Менинг инспекторим” мобиль иловасига фаол уланиши натижасида “102” қисқа рақамига келиб тушган мурожаатлар 15 фоизга, профилактика инспекторини бевосита чақириш билан боғлиқ хабарлар эса 36,3 фоизга қисқарди. Бу эса туманда хавфсиз муҳитни яратиш бўйича кўрилаётган изчил чора-тадбирларнинг амалий самарасидан далолат беради.

Бу биргина пойтахтнинг Чилонзор туманида эришилган натижалардир. Ҳозирги кунда ҳар бир ҳудудда жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича ана шундай ижобий тажрибаларни татбиқ этиш, аҳоли осойишталигини таъминлаш борасида замонавий ёндашувларга таянган ҳолда кенг кўламли ишлар давом эттирилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ўтган давр ичида ички ишлар органлари фаолиятининг барча жабҳаларида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Қонунбузарликларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни барвақт аниқлаш ҳамда бартараф этиш, қуруқ рақам ва статистикадан чекиниб, аниқ ва сезиларли амалий натижаларга ўтиш асосий тамойилга айланди.

Бешинчи миллий дастур ўз моҳиятига кўра жамиятда қонун устуворлигини мустаҳкам қадриятга айлантиришни кўзда тутар экан, ички ишлар органлари олдида келгусида ҳам бажарилиши лозим бўлган қатор устувор вазифалар турибди.

Мазкур дастур талаблари асосида ички ишлар органларининг халқ манфаатлари йўлидаги изчил фаолияти юртимизда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини кафолатли ҳимоя қилиш бўйича ишларни янада юқори поғонага кўтаради.

Бу эса Янги Ўзбекистоннинг бош ғояси — инсон қадрини улуғлаш ва халқимиз учун хавфсиз, тинч ҳамда фаровон турмуш шароитини таъминлашнинг муҳим амалий омили бўлиб хизмат қилади.

Хуршидбек РЎЗИЕВ,
Ички ишлар вазирлиги
Бирлашган таҳририяти бош муҳаррири,
подполковник.

ФАОЛИЯТ

МАҚСАД – ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ

Термиз давлат муҳандислик ва агротехнологиялар университети ректори, профессор Расул ТЎРАЕВ ҳузурида бир кун

Расул Тўраев билан университетнинг бош биносига кираверишда учрашдик. Бош бинога олиб борувчи йўлак атрофидаги боғда дуркун ўсган райҳонлар ўзгача ифор таратиб турибди.

— Университетимиз олим ва тадқиқотчилари райҳоннинг эллик олти хил навини яратишди, — деди дорилфунун ректори қўли билан райҳон шодаларини силкитиб. — Бу эса зайтун кўчатининг Сурхондарё иқлимига мослаштирилган янги нави, буни ҳам олимларимиз яратишган. Қаранг, бор-йўғи бир ёшли зайтун кўчати мева қила бошлабди.

Ниҳоятда ҳайратландим. Аслида, зайтун қирқ йилда мевага кириб, минг йил яшайдиган шифобахш ўсимлик саналади. Олимларнинг бу ютуғига киши чиндан ҳам қойил қолади. Гултожихўроз гулининг эса кўзни қувонтирадиган болтасимон ва шамсимон янги навлари яратилибди.



Ректор ҳамроҳлигида механика факультети учун янги барпо этилган “Автомобиль хўжалиги” ўқув-лаборатория биносидамиз. Транспорт йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабалар бу ерда автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлашни пухта ўрганмоқда.

— Қувончли кунда келибсиз: Хитойдан келтирилган лазерли кесиш ускунаси ўрнатилиб, айнан бугун ишга туширилди, — деди Расул Тўраев турли-туман шаклларда кесиб қўйилган маҳсулотларга ишора қилиб. Бу ерда қалинлиги ўн сакиз миллиметргача бўлган темир тунукалар кесилиб, уларга аниқ шакл берилади. Қолаверса, вилоятимиз ҳокими Улуғбек Қосимовнинг олий таълимга қаратаётган катта эътибори ва ғамхўрлигидан биз, олимлар жуда мамнунмиз. Насиб этса, университетнинг академик лицейи ўқув ва ётоқхона биноларини ҳам таъмирлашни мўлжаллаб турибмиз.

Университет ҳудудининг ҳар қаричи яшилликка бурканган киши дилини яйратади. Сурхондарёнинг жазирама иқлим шароитида дов-дарахтларни соғлом ва яшнаган ҳолатда парваришлашнинг ўзи бўлмайди, албатта.

Ректор ўқув даргоҳи ҳудудида турли юмушлар билан машғул боғбонлар, фаррошлар ва қоровуллар ҳузурига бориб: “Ассалому алайкум, Аллоҳ ишларингизга барака берсин!” дея камтарона саломлашиб, ҳол-аҳвол сўраганини кўриб, домлага нисбатан ҳурматим янада ортди. Негаки, оддийликда гап кўп-да. Баъзи бир катта-кичик амалдорларнинг димоғидан от ҳуркади. Мазкур университет раҳбари эса жуда камтар, самимий.

Бу ерда ихчам иссиқхоналар ташкил этилган экан. Уларнинг бирида Туркиядан келтирилиб, маҳаллий иқлим шароитига мослаштирилган, сувсизликка чидамли ва харидоргир лимон ҳамда мандарин кўчатлари бўй кўрсатиб турибди. Яна бир иссиқхонада тадқиқотчи олимлар томонидан маҳаллийлаштирилиб, ўтган йили экилган бананнинг “Королева” нави шода-шода ҳосилга кирибди. Бир ёшидаёқ ҳар тупи беш-олти шода мева туккан банан бўйимиздан ҳам баланд бўлиб ўсибди.

— Хайрли бир ишни ният қилиб турибмиз, — деди Расул Тўраев шу бананзорга эътиборимизни қаратиб. — Вилоятимизда 724 та маҳалла бор. Ҳар бир маҳаллада учинчи ва тўртинчи босқич талабаларимизга 5 сотихдан майдон ажратиб, имтиёзли кредит асосида иссиқхоналар қурмоқчимиз ва у ерда йил давомида узлуксиз ҳосил берадиган бананзорлар ташкил этмоқчимиз. Агар ушбу эзгу режамизни амалга оширсак, ҳар бир иссиқхона ҳисобига бир нафар битирувчи ва яна икки нафар ёш йигит-қиз муқим иш билан таъминланади. Бу жами 2172 та янги иш ўрни яратилади деганидир.

Умид қиламизки, ректорнинг бу хайрли ва эзгу ташаббуси тўлиқ рўёбга чиқади...

Энг муҳими, ёшларда боғ-роғлар яратишга иштиёқ қўллаб-қувватланади. Бозорларимиз расталарида ўзимизда етиштирилган ажойиб мевалар кўпаяди.

Ҳар бири икки сотих бўлган иссиқхоналарда турфа навдаги, бир-биридан хушрўй райҳон кўчатлари парваришланаётгани диққатга сазовор. Шу йилнинг ўзидаёқ 500 минг туп райҳон ва бошқа ранг-баранг гул кўчатлари етказиб берилибди. Университет ҳудудидаги гулзорларга экилган барча кўчатлар докторантлар ва магистрларнинг ўқув-тажриба майдонларида етиштирилмоқда.

Янги ташкил этилаётган қурилиш лабораторияси ҳам энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Келгусида бу ерда вилоятда қурилиш соҳасида қўлланиладиган маҳсулотлар таҳлил қилиниб, мувофиқлик хулосалари берилади. Лаборатория рўпарасидаги “жонли бурчак”да эса юздан зиёд ғоз ва ўрдак парвариш қилинмоқда. Унга туташ майдонда барпо этилган бодомзор ҳам қийғос мева тугибди. Эътиборлиси, бодомзор тўлиқ томчилатиб суғориш тизими асосида сув билан таъминланмоқда.

Шу аснода университетнинг бош биносига кираверишда, чап томонда жойлашган “Адиблар майдони”га нигоҳимиз тушди. Ушбу майдонга чиройли сакура дарахтлари ўзгача шукуҳ бағишлаб турибди. Қутлуғ гўшага қадам қўйган ҳар бир киши Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Маҳмудхўжа Беҳбудий каби улуғ боболаримиз, Абдулла Орипов, Шукур Холмирзаев каби буюк сиймоларнинг муаззам бюстларини кўриб, маънавий завқ олади.

Тўғриси, олий ўқув даргоҳини айланар эканман, ўзимни худди сўлим истироҳат боғида юргандек ҳис қилдим. Бу фикримни ректорнинг ўзига ҳам билдирдим: чиндан ҳам, бундай бепоён яшилликни яратиш ва уни сақлаб туриш катта машаққат ҳамда фидойи меҳнат талаб этади.

— Бундай хайрли ишларнинг бошида, аввало, ректоримиз Расул Тўраев турибди, — деди ҳамроҳларимиздан бири, биология фанлари номзоди, доцент, илмий кенгаш котиби Абдумурод Сатторов. — Дарахт парваришлаб, боғлар барпо этиш — бу ҳам тарбия, ҳам маънавиятдир. Раҳбаримиз табиатни чин дилдан севадиган, бағрикенг, қўл остидагиларнинг хатосини тушуниб, кечира биладиган ва айниқса, ёшларга ғамхўр инсон. Устозлар қадрига етади, катта тажрибага эга кекса олим ва профессорларни жалб этиб, уларга ёш мутахассисларни бириктириб қўйган. Таълимга инновацион ғояларни жорий этишда доимо жонбозлик кўрсатади. Ҳар бир масалага илмий нуқтаи назардан ёндашиб, баҳо беради. У кишининг табиатга бўлган муносабати ҳам ўзгача. Ўтган йили қаҳратон совуқда юзлаб арча дарахтлари қурий бошлаганди. Кўпчилик: “Кесиб ташлаш керак, энди сақлаб бўлмайди”, деган фикрга келганида, ректоримиз: “Дарахтларнинг ҳам уволи бор”, дея уларни кесишга қатъий қарши чиқди. Зарур озуқалар берилиб, дарахтларга мунтазам сув пуркалди, астойдил парвариш натижасида улар сақлаб қолинди. Мана, кўриб турганингиздек, арчалар яна ям-яшил тусга кирди.

Университет маъмурий биносининг биринчи қаватида мўъжазгина музей ҳам ташкил этилибди.

— Сурхон заминининг табиий бойликлари беҳисоб: 14 та кондан кўмир қазиб олинади, — дея ҳамроҳимиз кўргазмадаги кўмир намуналарига ишора қилиб кўрсатди. — Бундан ташқари, туз, базальт ва яна ўнлаб фойдали қазилма захиралари мавжуд. Музейнинг бир бурчагида воҳа замини маъданлари асосида ишлаб чиқарилган маҳаллий қурилиш материаллари намуналарини кўриш мумкин.

Бинонинг бир қавати деворларига кимё, яна бир қаватига эса физика йўналиши бўйича Нобель мукофоти соҳибларининг суратлари жойлаштирилибди. Албатта, бундай муҳит талабаларнинг илм-фанга бўлган қизиқишини ошириш ва уларни руҳлантиришга хизмат қилади.

Дунё стандартлари талабларига мос жиҳозланган шинам аудитория ва маърузахоналарни кўрган одам беихтиёр ёшликка қайтиб, қайтадан талаба бўлишни орзулаб қолади. Очиғи, биз талабалик йилларимизда бундай қулай шароитларни хаёлимизга ҳам келтирмаган эдик.

Шунингдек, университетдаги ҳар бир ўқув ва маъруза хонасида махсус бурчак ташкил қилиниб, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг портретига ифтихор ила “Менинг Президентим” деб ёзиб қўйилган.

— Президентимиз — энг катта фахримиз, — деди Расул Тўраев. — Президентга бўлган ихлос ва эҳтиром — бу Ватанимизга, Янги Ўзбекистонимизга бўлган чексиз муҳаббат тимсолидир.

Аудиториялардан бирига кирдик. Биринчи босқич талабалари илк сабоқларини олмоқда. Ўқитувчи кириш имтиҳонларида энг юқори балл тўплаб, талабалик бахтига мушарраф бўлган Карамхон Туроповани суҳбатга тортди.

— Ўзимни ниҳоятда бахтли ҳис қиляпман. Бор-йўғи бир ҳафта ичида университет муҳитига мослашиб олдик, — деди Карамхон Туропова. — Бу ердаги имкониятлар биз кутгандан ҳам яхши экан. Барча фанларни “аъло” баҳоларга ўзлаштиришга аҳд қилганман.

Кейинги манзилимиз Ахборот-ресурс маркази бўлди.

— Марказимиз фонди 6 минг 552 номдаги 39 минг 46 нусха адабиётдан иборат, — деди кутубхона ходимаси Сурайё Саманова. — Шундан 4 минг 95 номдаги илмий ва ўқув адабиётлари тўлиқ рақамлаштирилган. Ахборот-ресурс марказимиз дунёнинг кучли 300 талик (“Топ-300”) рўйхатига кирувчи нуфузли олий таълим муассасалари кутубхона тизими билан интеграция қилинган. Талабалар, педагоглар ва тадқиқотчилар ушбу базадаги электрон китобларни юклаб олиб, уларни олтита тилга таржима қилган ҳолда мутолаа қилишлари мумкин. Жами китобхонларимиз сони 6 минг 128 нафарни, кунлик қатнов эса ўртача 265 нафарни ташкил этмоқда.

Яширмайман, марказда “Hurriyat” мустақил газетаси тахламларини кўриб хурсанд бўлдик.

Университетдаги яна бир муҳим жиҳат — барча жабҳаларда рақамлаштириш жараёнларига алоҳида устуворлик берилаётганидир.

Олий ўқув даргоҳида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ҳақида университет ахборот хизмати бизга батафсил маълумотларни тақдим этди. Қуйида улардан бир қанчасини эътиборингизга ҳавола этсак.

Термиз давлат муҳандислик ва агротехнологиялар университети минтақадаги етакчи олий таълим муассасаларидан биридир. Мазкур даргоҳда таълим сифатини ошириш, ўқув жараёнини такомиллаштириш ва рақамлаштириш, илмий-тадқиқот ҳамда инновацион фаолиятни кенгайтириш, халқаро ҳамкорликни кучайтириш, талаба-



баларнинг маънавий-маърифий дунёқарашини юксалтириш ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш ҳамда инфратузилмани замон талаблари асосида ривожлантириш бўйича тизимли чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда даргоҳда 6 та факультет ва 20 та кафедра фаолият юритиб, 55 та бакалавриат таълим йўналиши ҳамда 21 та магистратура мутахассислиги бўйича 10 223 нафар талаба таҳсил олмоқда. Асосий штатдаги 335 нафар профессор-ўқитувчининг 140 нафари илмий даражага эга бўлиб, университетнинг умумий илмий салоҳияти 42,5 фоизни ташкил этади.

2025 йилда профессор-ўқитувчилар томонидан 45 та дарслик, 85 та ўқув қўлланма ҳамда 91 та услубий қўлланма тайёрланди. 61 нафар педагог малака ошириш ва илмий стажировка ўташ учун хорижий давлатларга юборилди, 33 нафар хорижлик мутахассис эса бевосита ўқув жараёнига жалб этилди.

Талабалар билимини баҳолаш жараёнлари амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида шаффоф ташкил этилган. Профессор-ўқитувчилар учун баҳолаш тизими ҳамда янги ўқув-меъёрий стандартлар юзасидан мунтазам ўқув-семинарлари ўтказиб келинмоқда.

Ўтган йили университетда илмий-тадқиқот ва инновацион фаолият бўйича салмоқли натижаларга эришилди. Жумладан, 24 нафар тадқиқотчи ва профессор-ўқитувчи диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Илмий нашрлар борасида “Scopus” базасига кирувчи журналларда 40 та мақола, ОАК рўйхатига олинган нашрларда 554 та мақола ва 45 та монография чоп этилди. Шунингдек, интеллектуал мулк бўйича 200 та муаллифлик гувоҳномаси ҳамда 20 та ихтиро патенти олинди.

Ёш олим ва тадқиқотчиларни рағбатлантиришга қаратилган эътибор натижасида 16 нафар ёш мутахассис “Академик ҳаракатчанлик” дастури ғолибига айланди. Мазкур йўналишга 1 миллиард 173 миллион 849 минг сўм маблағ йўналтирилди.

Жорий 2026 йилда дорилфунун илмий салоҳият кўрсаткичини 55 фоизга етказиш, 35 нафар тадқиқотчининг диссертация ҳимоясини таъминлаш, илмий нашрлар кўламини кенгайтирган ҳолда 60 та янги монография нашр этиш, 250 та муаллифлик гувоҳномаси ва 5 та патент олишдек мақсадли вазифалар белгиланган. Шунингдек, ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Академик ҳаракатчанлик” дастуридаги иштирок кўламини икки баробарга ошириш, 178 нафар докторантни турли грант танловларига жалб қилиш, 50 та стартап лойиҳа тайёрлаб, университетнинг ўз маблағлари ҳисобидан жами 50 миллион сўмлик кичик стартап ташаббусларини молиялаштириш кўзда тутилмоқда.

Илмий ишланмаларни ишлаб чиқаришга интеграция қилиш мақсадида 2025 йилда 232 та хўжалик шартномаси тузилиб, 641 миллион сўм маблағ жалб қилинган эди. 2026 йилда эса шартномалар сонини 340 тага етказиш ва улар асосида бир миллиард сўмлик молиявий манбаларни йўналтириш мўлжалланган.

Муассасанинг халқаро алоқалар географияси кенгайиб, ҳозирда жаҳондаги 27 та хорижий давлат билан самарали ҳамкорлик ўрнатилган. Хорижий университетлар ва илмий марказлар билан қўшма таълим дастурлари, илмий тадқиқотлар ҳамда академик мобиллик лойиҳалари изчил давом эттирилмоқда. Россия, Хитой, Беларусь, Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон каби давлатларнинг етакчи университетлари билан алоқалар кучайтирилиб, профессор-ўқитувчиларнинг хорижий тажриба алмашинуви таъминланмоқда.

Ўтган ўқув йилида 102 нафар талаба академик мобиллик, ёзги ва қишки мактаблар ҳамда ишлаб чиқариш амалиёти дастурлари орқали чет элга юборилди. Университет “Хитой — Марказий Осиё энергетика инновацион альянси” ҳамда кўп томонлама “Ипак йўли” архитектура ва технология университетлари халқаро альянсига тўлақонли аъзо бўлди. Бу эътироф университетнинг глобал таълим майдонидаги нуфузини мустаҳкамлаш билан бирга, талабаларнинг дунёдаги етакчи компанияларда амалий тажриба орттиришларига кенг йўл очди.

Таълим экспортини ошириш борасида чет эллик талабаларни қабул қилиш, қўшма диплом дастурларини йўлга қўйиш ишлари фаоллаштирилмоқда. Шу йилнинг декабрь ойида “Кончилик иши” ҳамда “Йўл муҳандислиги” таълим йўналишлари Германиянинг нуфузли “ASIIN” агентлиги орқали халқаро аккредитациядан ўтказилиши режалаштирилган.

2025-2026 ўқув йилида “career.edu.uz” электрон платформаси орқали 904 та корхона ва ташкилот билан ҳамкорлик шартномалари тузилиб, 3 883 нафар талабанинг малакавий амалиёти тўлиқ рақамли тизимда ташкил қилинди. “Келажакка қадам” дастури доирасида эса 4 та ташкилот билан келишувга эришилиб, 6 нафар иқтидорли талаба бир ойлик ҳақ тўланадиган амалиётга йўналтирилди. Сўнгги икки ўқув йилида 246 нафар битирувчи 5,8 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар олиб, ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди. Шунингдек, 18 та кафедра филиали негизида “4+2” дуал таълим тизими жорий этилиб, унга 598 нафар талаба қамраб олинди.

Талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида шу йилнинг ўзида 12 дан ортиқ йирик лойиҳа доирасида 650 дан ортиқ маънавий-маърифий тадбирлар уюштирилди. Хусусан, “Энг фаол йил талабаси”, “Интеллектуал олимпиада”, “Беш ташаббус олимпиадаси”, “Заковат лигаси” каби маърифий танловлар ҳамда спорт йўналишида “Ректор кубоги”, “Талабалар лигаси”, “Янги Ўзбекистон талабалар олимпиадаси” ва “Student party” лойиҳалари юксак савияда ўтказилди.

2026 йил давомида уюштирилган турли танловларга 4 225 нафардан ортиқ талаба жалб этилиб, улар орасидан ғолиб бўлган 352 нафар йигит-қиз пул мукофотлари ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди. Ёшларнинг театр ва музейларга ташрифлари, “Талабалар оқшоми” концертлари, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган очиқ мулоқотлар, “Маърифат улашиб” тадбирлари ва “Миллий қадриятлар сайли” каби ташаббуслар жараёнларга янгича мазмун бағишлади. Талабаларнинг иқтидорини рўёбга чиқариш мақсадида ташкил этилган “Чағониён” театр студияси, “Лидер талабалар”, “Китобхон ёшлар”, “Заковат”, “Мушоира” клублари ҳамда “Мусиқа ва рақс” ансамбли мунтазам фаолият кўрсатмоқда.

Жорий йилда университетнинг 11 нафар талабаси спорт турлари бўйича мамлакат чемпионатларида совринли ўринларни эгаллади: 3 та олтин, 4 та кумуш ва 4 та бронза медали қўлга киритилди. Шунингдек, 1 нафар иқтидорли талаба қиз Зулфия номидаги давлат мукофотининг вилоят босқичида ғолиб бўлиб, республика босқичига йўлланма олди. “Талабалар лигаси”, “Беш ташаббус” ва “Талаба, югур” спорт лойиҳалари эса минглаб ёшларни ўз атрофида жипслаштирди. Бугунги кунда университетда 5 та оммавий спорт тўгараги мунтазам ишлаб турибди.

Ҳозирда олий ўқув юрти ихтиёрида 818 ўринли 2 та талабалар турар жойи мавжуд бўлиб, уларда барча маиший қулайликлар яратилган. Давлат-хусусий шериклик асосида қиймати 32 миллиард сўм бўлган, 400 ўринга мўлжалланган янги замонавий ётоқхона биноси қурилмоқда. Умумий майдони 2 600 квадрат метр бўлган ушбу бинода 110 та барча қулайликларга эга яшаш хонаси бўлади.

Моддий-техник базани модернизация қилиш доирасида қиймати 1,5 миллиард сўмлик замонавий лаборатория биноси фойдаланишга топширилди. Бюджет маблағлари ҳисобидан 7 миллиард 836 миллион сўмлик ўқув-лаборатория ускуналари харид қилиниб, ўқув жараёнига татбиқ этилди. Талабалар учун қиймати 786 миллион сўмлик янги стадион барпо этилди, бундан ташқари, кампус ҳудудида яна бир замонавий ёпиқ спорт мажмуаси қад ростламоқда.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва яшил майдонларни кенгайтириш ишлари ҳам эътибор марказида. 2025 йилда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 14 450 туп мевали ва манзарали кўчат ўтқазилди. Ангор туманида 9 500 дона кўчат экилиб, уларни суғоришда сув тежовчи томчилатиш тизими ўрнатилди. Денов туманидаги Ҳазорбоғ агротехнологиялар техникумига қарашли тажриба майдонида эса 500 дона лимон, 10 000 туп арча ва 30 000 тупдан ортиқ бошқа турдаги ниҳоллар парвариш қилинмоқда. Университетнинг ўз тажриба даласида лимон ва банан етиштиришга ихтисослашган янги иссиқхоналар ташкил қилинди.

Энергия тежамкорлигини ошириш мақсадида олий ўқув юрти биноларининг том қисмига жами 423,5 кВт қувватга эга қуёш фотоэлектр панеллари ўрнатилди.

2026 йилда университет жамоаси ўз олдига қуйидаги устувор вазифаларни режалаштириб олган:

– илмий салоҳиятни 55 фоизга етказиш;

– нуфузли халқаро журналлардаги нашрлар, монографиялар, муаллифлик гувоҳномалари ва ихтиро патентлари салмоғини ошириш;

– тадқиқот натижалари ва илмий ишланмаларни ишлаб чиқариш тармоқларига кенг жорий этиш;

– халқаро ҳамкорлик доирасида қўшма таълим дастурлари ҳамда академик мобилликни ривожлантириш;

– хорижий талабалар қамровини ошириш орқали таълим экспорти ҳажмини кенгайтириш;

– “Кончилик иши” ва “Йўл муҳандислиги” таълим йўналишлари бўйича халқаро аккредитация сертификатларини қўлга киритиш;

– талабаларнинг сифатли амалиёт ўташини ташкил этиш, дуал таълим қамровини кенгайтириш ва битирувчиларнинг бандлигини кафолатли таъминлаш;

– маънавий-маърифий ва интеллектуал тадбирларни кўпайтириш, китобхонлик маданиятини ошириш, театр ҳамда тарихий масканларга ташрифларни янада жадаллаштириш;

– 400 ўринли талабалар турар жойи ҳамда замонавий спорт мажмуаси қурилишини муддатида якунлаш;

– кампусни экологик жиҳатдан “Яшил университет” тамойиллари асосида тараққий эттириш, сув тежовчи технологияларни жорий қилиш ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш кўламини янада ошириш.

Университет фаолияти билан танишиш бесамар кетмади. Ушбу олий таълим даргоҳида таҳсил олаётган талабалар билан суҳбатлашиб, беихтиёр ёшликка қайтгандек бўлдик. Термиз давлат муҳандислик ва агротехнологиялар университетида таълим сифатини ошириш, илмий-инновацион фаолиятни кучайтириш, талаба-ёшлар учун замонавий имкониятлар яратиш ҳамда муассаса инфратузилмасини комплекс ривожлантириш йўлидаги кенг қамровли саъй-ҳаракатлар билан танишиб, катта таассурот ва бир олам қувонч билан ортга қайтдик.

Яна бир гап. Университет ректори, профессор Расул Тўраев ўз соҳасининг фидойи кишиси. Унинг ҳар кунги ўйи, хаёли, мақсади-ю маслаги бугун таълим-тарбия олаётган талаба-ёшларнинг эртага муносиб кадрлар бўлиб эришишига қаратилган. Бундай эзгу ният билан яшаб, меҳнат қилишнинг ўзи бахт.

Зеро, бугунги илдам қадамлар университетнинг юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшадиган етук кадрларни тайёрлашдек шарафли мақсадга хизмат қилаётганидан далолат бермоқда.

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.



МУАЛЛИМ – МИЛЛАТ МАЪРИФАТИНИНГ МЕЪМОРИ

1-6. Мураббийлик муаллимлик мақомининг иккинчи қанотидир.

Тўртинчидан, олий таълим ва илм-фан ривожи жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини белгилайди. Университетлар шунчаки диплом берувчи масканлар эмас, балки янги билим яратувчи, ёшларда тадқиқотчилик завқини шакллантирувчи йирик илмий марказларга айланиши даркор. Бу эса ҳар бир профессор-ўқитувчининг ўзидан мунтазам илм билан шуғулланишни талаб этади.

Ҳаётдаги ҳар бир эзгулик, ҳар бир кашфиёт ва зафар замирида ўқитувчининг машаққатли меҳнати, матонати ва чексиз меҳр-муҳаббати мужассам эканини ҳақли равишда эътироф этган Президентимиз илм, таълим ва муаллим сўзларининг қадрини юксакларга кўтара туриб, шундай таъкидлаган эди:

“Инсоннинг онги, дунёқараши ўзгармаса, жамият ўзгармайди. Жамият ўзгармаса, тараққиёт ҳам бўлмайди. Одамларнинг тафаккурини, шу асосда бутун жамиятни ким ўзгартира олади? Янги берунийларни, хоразмий ва фарғонийларни ким камолга етказади? Бундай улуғвор вазифани, том маънодаги тарихий миссияни адо этишга фақат сиз — устоз ва мураббийлар қодирсиз”.

ЗАМОН ТАЛАБИ: ЯНГИ ДАВР МУАЛЛИМИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Бугунги мактаб синфхонаси ёки университет аудиториясидаги ўқувчи ва талабалар бундан йигирма йил олдинги тенгдошларидан тубдан фарқ қилади. Замонавий ёшлар ахборотни китобдан кўра кўпроқ смартфон орқали олади, исталган саволига жавобни бир лаҳзада қидирув тизимларидан топа олади. Муаллим бундай шароитда эндиликда “билимнинг ягона манбаи” бўлиб қола олмайди. Бироқ бу унинг қадрини туширмайди, аксинча, масъулиятини янада оширади: педагог эндиликда билимнинг одил ҳакамига, тўғри йўналтирувчисига ва маънавий мезонига айланмоқда.

Шундай экан, замонавий педагог ўз фаолиятида қуйидаги муҳим фазилатларни мужассам этиши зарур:

1. Чуқур касбий ва илмий билим.

Ўз фанини мукаммал билмаган муаллим ўқувчи олдида ҳам, ўз виждони олдида ҳам ожиздир. Бугунги кунда билим кўлами ҳам шиддат билан ўзгармоқда: фан-техника тезкор ривожланиб, кечаги билимлар эртага эскирмоқда. Бинобарин, муаллим умр бўйи изланувчи, ўрганувчи бўлиб қолмоғи керак. “Ўқимаган ўқитувчи бошқаларни ўқитолмайди” — бу оддий, аммо ўзгармас ҳақиқатдир.

Профессор-ўқитувчилар учун бу талаб икки карра долзарбдир. Улар шунчаки тайёр билимни етказувчи эмас, балки ўз соҳасида илмий янгиликлар яратувчи тадқиқотчи бўлиши шарт. Агар талаба маъруза қилаётган устозининг мунтазам илмий изланишда эканини, салмоқли мақолалар ёзаётганини ва нуфузли халқаро анжуманларда фаол қатнашаётганини кўриб турса, унда дарсга ва илмга бўлган ихлос ҳамда ишонч янада ортади.

2. Юксак коммуникатив компетентлик ва нутқ маданияти.

Муаллимнинг асосий қуроли — бу сўз. Тиббиётда шифокорнинг маҳоратли қўли, ҳарбий соҳада қурол қандай аҳамият касб этса, педагогикада жонли сўз шундай қудратга эга. Сўз санъатини эгалламаган муаллим билимни ҳам мукаммал етказиб бера олмайди.

Педагогнинг нутқ маданияти нималарда кўринади? Аввало, адабий тил меъёрларига қатъий амал қилишда: тўғри талаффуз, аниқ ифода ва бой сўз бойлигида. Сўнгра фикрнинг мантиқий изчиллиги ва равонлигида. Ва ниҳоят, юксак мулоқот одобида: дарс жараёнида ўқувчини диққат билан тинглай билиш, унинг шахсиятини камситмаслик ҳамда танқидий фикрни ҳурмат ва одоб сақлаган ҳолда етказишда намоён бўлади.

Бугунги педагог учун коммуникатив компетентлик фақатгина чиройли гапиришдан иборат эмас. Бу — таълим олувчилар билан самарали мулоқот ўрната олиш, ўринли савол бериш, баҳс-мунозараларни йўналтира билиш, ҳар бир шахснинг феъл-атворига мос ёндашув топиш ва ҳатто рақамли мулоқот (масофавий таълим, ижтимоий тармоқлар) маданиятини чуқур эгаллаш демакдир. Афсуски, амалиётда дарс жараёни кўпинча бир томонлама зерикарли монологга айланиб қолмоқда. Ваҳоланки, бугунги талаба-ёшлар оддий тингловчи эмас, балки муҳокамаларнинг фаол иштирокчиси бўлишга интилмоқда.



Бу борада Шарқ нотиқлик санъати ва миллий мулоқот маданиятининг бой тажрибасига суяниш мақсадга мувофиқдир. Мутафаккир бобомиз Алишер Навоий сўзни инсоннинг маънавий қиёфаси ва асл моҳиятини кўрсатувчи кўзгу деб таърифлаган. Демак, устознинг ҳар бир айтган сўзи ёшлар қалбида ўчмас из қолдирувчи қудратли тарбия воситасидир. Ушбу улкан маънавий мерос бугунги педагог учун ҳам услубий, ҳам ахлоқий манба бўлиб хизмат қилади.

3. Герменевтик қобилият: матн ва инсон руҳиятини англаш санъати.

Педагогик фаолиятнинг кўпчилик эътибор бермайдиган, аммо ниҳоятда муҳим бўлган жиҳати — бу англаш ва талқин қила билиш маҳоратидир. Герменевтика, яъни тушуниш ва шарҳлаш санъати, муаллимга икки асосий йўналишда керак бўлади:

Матнни чуқур тушуниш: Дарсликдаги ҳар бир мавзу, бадиий асар ёки тарихий манба чуқур таҳлил ва шарҳни талаб қилади. Муаллим материални юзаки эмас, унинг ички маъно қатламларини, тарихий-маданий заминини англаган ҳолда ўқувчига етказиши лозим. Айниқса, ўзбек мумтоз адабиёти ва халқ оғзаки ижодини ўқитишда бу санъат бебаҳо аҳамият касб этади: Навоий ҳикмати ёки халқ достони сатрлари орасида яширинган теран маъноларни очиб бериш катта маҳорат талаб қилади.

Ўқувчини тушуниш: Ҳар бир фарзанд — алоҳида бир олам. Унинг ҳар бир хатти-ҳаракати, сукути ёки эътирози замирида нима ётганини ҳис қила олиш — ҳақиқий педагогик маҳорат намунасидир. Салоҳиятли устоз ўқувчининг фақат “нима деяётганини” эмас, балки “нима демоқчи эканини” ҳам қалбан тушунади.

4. Рақамли саводхонлик ва инновацион тафаккур.

Давлатимиз раҳбари таълим тизимини рақамлаштиришга ва замонавий педагогик технологияларни жорий этишга устувор аҳамият қаратмоқда. Электрон дарсликлар, онлайн таълим платформалари ва сунъий интеллект воситалари ўқув жараёнининг ажралмас қисмига айланди. Педагог бу жараёндан четда қолмасдан, аксинча, замонавий технологияларни ўз фаолиятининг самарали воситасига айлантириши лозим.

Бироқ бир муҳим ҳақиқатни ёдда тутмоқ керак: технология — мақсад эмас, балки воситадир. Агар муаллимнинг қалбида ўқувчига нисбатан чексиз меҳр ва касбига масъулият бўлмаса, энг замонавий интерактив доска ҳам оддий бир жиҳоз бўлиб қолаверади. Сунъий интеллект улкан маълумот бера олади, аммо у шахсий ибрат кўрсата олмайди, қалбда ишонч уйғота олмайди, инсоний меҳр-муҳаббат бағишлай олмайди. Шу боис чинакам устознинг ўрнини ҳеч бир алгоритм эгаллай олмайди.

Шу билан бирга, муаллим янги технологиялардан фойдаланиш баробарида ўқувчиларда ахборотни танқидий баҳолаш кўникмасини, академик ҳалоллик маданиятини ва мустақил фикрлашни шакллантириши шарт. Бу даврнинг энг муҳим педагогик вазифаларидан биридир.

5. Шахсий ибрат ва маънавий етуклик.

Миллий педагогикамизнинг олтин қоидаси шундай: муаллим фақат сўзи билан эмас, аввало, ўз ҳаёти ва шахсий намунаси билан таълим беради. Ўқувчи устозидан шунчаки “ростгўй бўл” деган панд-насиҳатни эмас, балки унинг ҳаётий тўғрисўзлигини кўради; “меҳнатсевар бўл” деган даъватни эмас, унинг тинимсиз заҳматини кузатади.

Шу маънода профессор-ўқитувчи, олим ва мураббий — бу жамиятнинг маънавий кўзгусидир. Унинг касбий одоби, ҳалоллиги, муомала маданияти, ҳатто кийиниш ва юриш-туриши ҳам улкан тарбиявий кучга эга. Талаба олий даргоҳда нафақат фан асосларини, балки комил инсон бўлиш сирларини ҳам ўрганади.

6. Миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги.

Глобаллашув даврида ёшларимиз жаҳон маданиятига очиқ бўлиши, хорижий тилларни мукаммал эгаллаши ва замонавий илмий-техник тараққиёт билан ҳамнафас яшаши зарур. Аммо илдизидан узилган дарахт узоқ яшамайди. Шу боис муаллим ёш авлодда миллий ўзликни англаш, тарихий хотирага садоқат ва аждодлар меросига эҳтиром туйғусини тарбиялаши лозим.

Бу ўринда халқ оғзаки ижоди, мумтоз адабиётимиз, қадимий ёзма ёдгорликлар, шу жумладан, араб ёзувига асосланган эски ўзбек тилидаги ноёб қўлёзмалар ва тошбосма манбалар бебаҳо маънавий бойликдир. Афсуски, бугунги ёш авлод ўз аждодлари қолдирган ушбу бой меросдан бевосита баҳраманд бўлиш имкониятидан ҳамон етарлича фойдалана олмаяпти. Муаллимнинг муҳим вазифаларидан бири — ёшларни мана шу бой хазинага ошно этиш, уларда тарихий манбаларни ўрганишга кучли қизиқиш уйғотишдир. Ўз ўтмишини теран билган авлод келажак сари дадил ва ишончли қадам ташлайди.

МУАЛЛИМ — ИЖОДКОР ВА ТАРБИЯЧИ

“Мураббий” тушунчаси тилимизда теран маънога эга. Унинг негизида турган сўз тарбия қилиш, парваришлаш ва камолотга етказиш маъноларини англатади. Демак, мураббий фақат билим бериш билан чекланмай, шахс онги ва тафаккурини шакллантиради. Айниқса, бугунги глобал ахборот муҳитида турли салбий таъсирлар кўпайган бир пайтда мактаб ва олий таълим муассасаларидаги мураббийнинг масъулияти карра-карра ошди.

Ҳақиқий мураббий қуйидаги муҳим кўникмаларга эга бўлиши шарт:

ўқувчи ва талабаларнинг индивидуал қобилиятини ўз вақтида пайқаш ҳамда ривожлантириш;

соғлом маънавий-руҳий муҳит яратиб, ҳар бир таълим олувчига “сен қадрлисан” деган юксак туйғуни бағишлай олиш;

ёшларни турли ёт ва бузғунчи таъсирлардан ҳимоя қилиб, мустаҳкам ахлоқий чегараларни англатиш;

ота-оналар билан самарали ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш.

Бу жараёнда педагогик такт ва сабр-тоқат ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Болага бақириш эмас, балки унга ишониш; жазолаш эмас, балки тушунтириш; камситиш эмас, балки рағбатлантириш — мана шу чинакам миллий тарбиянинг асосидир.

МУАЛЛИМ ВА ЖАМИЯТ: ЎЗАРО МАСЪУЛИЯТ

Биз кўпинча муаллимдан кўп нарса талаб қиламиз. Бироқ жамият ҳам ўз навбатида устоз олдидаги қарз ва мажбуриятларини муносиб бажармоғи лозим.

Давлатимиз томонидан педагогларга яратилаётган ижтимоий кафолатлар, ойлик маошларнинг босқичма-босқич оширилиши, замонавий ўқув шароитларининг барпо этилиши ва муаллим шаънини қонун йўли билан ҳимоя қилиш чоралари ана шундай юксак эътибор ва масъулият ифодасидир. Лекин бу эътибор фақат ҳуқуқий меъёрлар доирасида чекланиб қолмаслиги керак. Оила, ота-она ва бутун жамоатчилик устозларни эъзозлаши шарт. Фарзанди ҳузурида муаллимни камситган ёки уни обрўсизлантирган ота-она аслида ўз боласининг келажагига болта урган бўлади. Зеро, муаллимни ҳурмат қилмаган бола ҳеч қачон илм ва маърифатни ҳам қадрламайди.

Шу билан бирга, устозларнинг ўзлари ҳам муаллимлик шаъни ва нуфузини ҳамиша юксак сақламоғи лозим. Обрў-эътибор буйруқ билан берилмайди; у ҳалол меҳнат, теран билим, юксак одоб ва шахсий намуна билан қўлга киритилади.

ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ: БИЛИМ ВА ТАФАККУР ЕТАКЧИСИ

Олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган ҳамкасбларим хусусида алоҳида тўхталмоқчиман. Бугунги кунда олий ўқув юрти профессори ёки доценти бир вақтнинг ўзида учта улкан вазифани бажармоқда: у моҳир ўқитувчи, изланувчан тадқиқотчи ва маънавий йўлбошчидир.

Олий таълим тизимида янги стандартлар, кредит-модуль тизими, халқаро ҳамкорлик ва хорижий университетлар билан қўшма таълим дастурлари кенг йўлга қўйилмоқда. Бу ҳолат ҳар бир профессор-ўқитувчидан юқори даражадаги касбий маҳоратни, чет тилларни мукаммал билишни ҳамда глобал илмий ҳамжамият билан фаол алоқада бўлишни тақозо этмоқда. Аммо бу жараёнда энг асосий мезон таълим сифатидир. Шунчаки ҳисобот учун ёзилган мақолалар эмас, балки соҳа ривожига ҳисса қўшадиган ҳақиқий илмий янгиликлар; қуруқ маъруза эмас, балки талабанинг тафаккурини чархлайдиган эркин мунозаралар; рейтинг кетидан қувиш эмас, балки илм олдидаги юксак ҳалоллик энг устувор вазифа бўлмоғи лозим.

Яна бир муҳим йўналиш — бу илмий раҳбарликдир. Ёш тадқиқотчини илм йўлига бошлаш, унга чин маънода йўлчи юлдуз бўлиш, ҳалол ва қатъиятли бўлишни ўргатиш катта маънавий масъулиятдир. Маҳоратли устоз қўлида камол топган шогирд эртага янги илмий авлодни тарбиялайди. Чунки илм мактаблари айнан мана шундай ворисийлик анъаналари асосида бардавом яшайди.

Мухтасар айтганда, бугунги муаллим чуқур билимли, кенг фикрловчи, нотиқлик санъатини эгаллаган, тушуниш ва тушунтира олиш маҳоратига эга, илғор технологияларни ўзлаштирган, шу билан бирга миллий қадриятларга содиқ ва шахсий ибрати билан атрофдагиларга йўл кўрсата оладиган комил инсондир. Бу — катта талаб. Бироқ муаллимлик касби азалдан ана шундай юксак шарафли йўл бўлиб келган: у оддий вазифа эмас, балки муқаддас бурч ва шарафли миссиядир.

Президентимиз таъкидлаганларидек, таълимга ва муаллимга қаратилаётган эътибор — бу эртанги келажакка қўйилган энг ишончли сармоядир. Ушбу сармоя ўз мевасини бериши учун ҳар биримиз — устоз ҳам, олим ҳам, ота-она ва бутун жамият ҳам ўз ўрнида юксак масъулиятни чуқур ҳис этмоғимиз лозим.

1 октябрь байрами муносабати билан барча азиз устоз ва мураббийларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик ва шарафли фаолиятларида улкан зафарлар тилайман. Сизнинг машаққатли меҳнатингиз Ватан келажагининг пойдеворидир. Сиз камолга етказган ҳар бир шогирд Янги Ўзбекистон қасрининг мустаҳкам ғиштидир.

Устоз миллатнинг виждони, маърифат машъалидир. Ушбу машъал ҳеч қачон сўнмасин!

Раҳимбой ЖУМАНИЁЗОВ,
педагогика фанлари доктори, профессор,
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Миллий тадқиқот университети ректорининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси, матбуот котиби.

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

“ЗАКОВАТ” МАЙДОНИДА – ИЖОДКОРЛАР

Наманган шаҳридаги “Ёшлар маркази”да журналистлар, ахборот хизматлари раҳбарлари, ёшлар ва фахрийлар иштирокида “Заковат” интеллектуал ўйини ўтказилди.



Тадбирда иштирокчилар билим ва дунёқарашини синовдан ўтказиб, қизғин ва муросасиз кечган баҳслар орқали ўзаро тажриба ва фикр алмашдилар. Беллашув якунида ғолиб ва совриндор жамоалар муносиб тақдирланди.

Шунингдек, тадбир доирасида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзолигига қабул қилинган бир гуруҳ ижодкорларга аъзолик гувоҳномалари тантанали равишда топширилди.

ЯНГИ АГРО-ЭКОТУРИЗМ МАСКАНИГА ПРЕСС-ТУР

Навоий вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати ҳамда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Навоий вилояти бўлими ҳамкорлигида куни кеча Кармана туманидаги “Malik KARVON Family Park” мажмуасига пресс-тур ташкил этилди.



Унда оммавий ахборот воситалари вакиллари янги туризм масканининг фаолияти, яратилган шароитлар ҳамда агро-экотуризм йўналишидаги имкониятлар билан яқиндан танишдилар.

Тадбир доирасида журналистлар иштирокида матбуот анжумани ҳам бўлиб ўтди.

ҲУСАН ЭРМАТОВ МАҲОРАТ МАКТАБИ ИШ БОШЛАДИ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Тошкент шаҳар бўлими қошида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, сенатор Ҳусан Эрматовнинг “Маҳорат мактаби” ўз фаолиятини бошлади.



Шу йил 25 сентябрь куни мактабнинг илк машғулоти бўлиб ўтди. Унда журналистика соҳасига меҳри баланд талабалар, ёш журналистлар ва соҳа вакиллари иштирок этди.

Илк дарсда устоз журналист Ҳусан Эрматов ёшлар билан кўп йиллик касбий тажрибаси, журналистика сир-асрорлари ва амалий фаолиятда муҳим бўлган жиҳатлар ҳақида фикр алмашди. Машғулотларда назария билан бир қаторда ахборот тўплаш, интервью олиш, журналистик материал тайёрлаш, матн устида ишлаш ва замонавий медиа воситаларидан фойдаланиш каби амалий кўникмаларга эътибор қаратилди.

ХЎЖАНДДА ФАРҒОНА ТИНЧЛИК ФОРУМИ БЎЛИБ ЎТДИ



Тожикистон Республикасининг Хўжанд шаҳрида бўлиб ўтган анжуманда халқаро ташкилотлар, таҳлил марказлари ва фуқаролик жамияти институти вакиллари, Фарғона, Сўғд, Боткент вилоятлари раҳбарлари, шунингдек, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси Шуҳрат Орипов ҳам иштирок этди.

Форумдан кўзланган бош мақсад — Фарғона водийсида (Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон ўртасида) тинчлик, ўзаро ишонч ва барқарорликни мустаҳкамлаш, чегарадош ҳудудларнинг тўғридан-тўғри ҳамкорлигини кенгайтириш ҳамда очиқ экспертлик ва жамоатчилик мулоқоти учун доимий халқаро майдон яратишдир.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси
Ахборот хизмати.

ПРЕМЬЕРА

ҲАЁТНИНГ ЎЗИ ЭНГ КАТТА МАКТАБ

2026 йил 24 сентябрь куни Ўзбекистон Миллий кино санъати саройида “Дарс” фильмининг тантанали намойиши бўлиб ўтди.

Инсон улғайгани сари англайдиган ҳақиқатлардан бири шуки, ҳаётнинг ўзи энг катта мактаб, унинг ҳар бир куни эса навбатдаги дарсдир. “Дарс” бадиий фильми ана шу оддий, аммо теран ҳақиқатни катта экранга олиб чиқди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш маркази ва “Ma’no cinema” ҳамкорлигида суратга олинган ушбу картина 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан ишланган. Унда устоз-шогирд муносабатлари, китобхонлик, таълим-тарбия, инсонийлик ҳамда маънавий камолот каби мавзулар қаламга олинган. Бироқ “Дарс”ни фақат муаллим ҳақида ҳикоя қилувчи асар сифатида қабул қилиш унинг мазмун кўламини торайтиради.

Картина марказидаги Ойқиз образи орқали бир қизнинг ҳаётий синовлари, хатолари, изланишлари ва аста-секин улғайиб-ўзгариши ҳикоя қилинади. У шунчаки воқеалар ривожини четдан кузатиб борадиган қаҳрамон эмас: томошабин у билан бирга камол топади. Мутолаа, ҳаётий тажриба ва устознинг йўл-йўриғи туфайли Ойқизнинг дунёқараши шаклланиб, у мустақил фикрлайдиган ҳамда ўз танловлари учун масъулиятни ҳис эта оладиган шахсга айланади.

Фильмда китоб тутган ўрин ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Тезкор ахборотлар, қисқа видеолар ва бир лаҳзалик таассуротлар ҳукмрон бўлган бугунги муҳитда мутолаа инсон тафаккурини чархловчи муҳим восита сифатида яна бир бор ёдга олинади. “Дарс” китобни шунчаки мутолаа манбаи эмас, балки инсоннинг ички оламига таъсир кўрсатадиган, унинг қарашларини ижобий томонга йўналтирадиган куч сифатида талқин этади. Зеро, Ойқиздаги ўзгариш ҳам, аввало, ташқи шароит таъсиридан эмас, фикрлаш тарзининг янгиланишидан бошланади.

Картинадаги Ҳанифа хола образи эса устозлик моҳиятига бошқа бир нуқтадан назар ташлаш имконини беради. Яхши устоз фақат билим улашиш билан чекланмайди. У баъзан инсоннинг ўзи ҳам пайқамаган яширин имкониятларини илғайди, хатосини англашига кўмаклашади, адашганида тўғри йўл кўрсатади. Баъзан эса биргина сўзи билан инсон тақдирининг йўналишини белгилаб беради. Шу жиҳатдан олганда, Ҳанифа хола ва Ойқиз ўртасидаги муносабат фильмнинг асосий маънавий ўзагини ташкил этади.

Сценарий муаллифлари Мадина Йўлдошева ва Шоҳрух Неъматов, саҳналаштирувчи режиссёр Отабек Йўлдошев, постановкачи оператор Давлат Ўрозалиев, постановкачи рассом Темур Нурмуҳаммедов ҳамда монтаж устаси Нурилло Анваровдан иборат ижодий гуруҳ “Дарс”нинг муваффақиятли тасвирга олинишини таъминлаган. Картинада Мавлуда Ҳикматова, Малика Ибрагимова, Лола Элтоева, Толиб Мўминов, Аббос Баҳодиров, Санжар Намозов, Умид Узоқов, Шоҳрух Ҳамдамов сингари маҳоратли актёрлар жамоаси роль ижро этган.

Эҳтимол, намойиш якунида ҳар бир томошабиннинг кўнглидан кечадиган энг муҳим савол ҳам шудир: ҳаёт бизга қанчадан-қанча дарс берди-ю, биз уларнинг қанчасини чин маънода ўзлаштира олдик?

Фарангиз АБРУЕВА,
“Hurriyat” мухбири.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ — БИРЛИГИМИЗ ВА ЮКСАЛИШИМИЗ ГАРОВИ

1-6.

Бугунги кунда ана шу бебаҳо тарихий мерос замонавий Ўзбекистоннинг бош тамойили — миллатлараро тотувлик сиёсатининг мустаҳкам пойдеворига айланган. Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари ўз табригида яна бир бор бутун халқимизни чин қалбдан муборакбод этиб, кўп миллатли жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикнинг, миллатлар ва динлараро дўстлик, бағрикенглик ҳамда ҳамжиҳатликнинг мамлакатимиз учун нақадар бебаҳо аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Умуммиллий бирдамлик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим омили сифатида алоҳида қайд этилди.

Шунингдек, юртимизда 130 дан зиёд миллат ва элат, 16 та диний конфессия вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил яшаб, мамлакат равнақига муносиб ҳисса қўшаётгани юксак қадрланди. Кейинги йилларда “Бизнинг кучимиз — бирлик ва ҳамжиҳатликда” деган эзгу ғоя асосида миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликнинг ўзига хос ибратли моделини яратилгани таъкидланиб, бу борада қабул қилинган 10 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат, жумладан, Миллатлараро муносабатлар соҳасида давлат сиёсати концепцияси муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани айтиб ўтилди.

Мамлакатимиз раҳбари илгари сураётган инсонпарвар ғоялар замирида халқимизнинг мустаҳкам бирлиги, тинч-осойишта ҳаёти ва фаровон келажаги мужассам. Президентимиз ўз чиқишларида халқимизни доимо ҳамжиҳатликка, бунёдкорлик ва эзгу ишларга даъват этиб, мамлакат тараққиётининг асосий омили сифатида жамият бирлигини белгилаб келмоқда. Бу борадаги энг ёрқин тамойил — “Ўзбекистон — умумий уйимиз” деган улуғвор ғоядир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8-моддасида қайд этилганидек, “Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади”.

Айни шу конституциявий норманинг амалдаги ёрқин ифодасини давлатимиз раҳбарининг 2026 йил 21 март куни Наврўз байрами муносабати билан сўзлаган нутқида ҳам кўриш мумкин. Тадбирда Юртбошимиз: “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт, янги тарих, янги келажак яратайлик!” — дея, ҳар бир юртдошимизни миллати, тили ва диний эътиқодидан қатъи назар, умумий мақсад йўлида бирлашиб, бунёдкорлик ишларига фаол ҳисса қўшишга чақирди.

Президентимизнинг бу борадаги фикрлари ғоят теран ва тарихий аҳамиятга эгадир. Жумладан, 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан халқимизга йўллаган табригида давлатимиз раҳбари: “Бугунги ғоят таҳликали замоннинг ўзи барчамиздан жамиятимиздаги тинчлик ва барқарорлик, миллатлар ва диний конфессиялар ўртасидаги дўстлик ва тотувлик муҳитини янада қадрлаб яшашни талаб этмоқда. Ҳеч қачон унутмайлик, миллий бирлик ва ҳамжиҳатлик — бизнинг бебаҳо бойлигимиз, барча ютуқ ва ғалабаларимизнинг мустаҳкам асосидир”, — деб алоҳида таъкидлади. Мазкур ҳаётий ҳақиқатлар бугунги конференция мавзуси нақадар долзарб ва мамлакатимиз келажаги учун нечоғлик муҳим эканини яна бир бор исботлайди.

Ушбу даъватлар бугунги кунда нафақат ички сиёсатда, балки халқаро майдонда ҳам ўзининг муносиб эътирофини топмоқда.

Хусусан, 2022 йилнинг сентябрь ойида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти саммитида Президентимиз томонидан илгари сурилган “Самарқанд бирдамлик ташаббуси” бу йўналишдаги тарихий қадам бўлди. Ташаббуснинг бош мақсади давлатлар ва халқларнинг бугунги куни ҳамда истиқболи учун умумий масъулиятни чуқур англаш, очиқ ва конструктив мулоқотга тайёр барча томонларни глобал ҳамкорликка кенг жалб этишдан иборат.

Янги Ўзбекистонда миллий бирлик ва бағрикенглик сиёсатининг навбатдаги мантиқий давоми сифатида 2025 йил февраль ойида Президент томонидан “Виждон эркинлигини таъминлаш ва дин соҳасидаги давлат сиёсати концепцияси” тасдиқланди. Мазкур тарихий ҳужжат кўп миллатли ва кўп конфессияли мамлакатимизда демократия, эркинлик, ижтимоий адолат ҳамда ўзаро ҳурмат тамойилларига асосланган барқарор ижтимоий муҳитни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Юртбошимиз ташаббусининг амалий ифодаларидан яна бири — ҳудудларда “Умуммиллий бирдамлик боғлари”нинг ташкил этилишидир. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 17 апрелдаги қарори билан 2025-2030 йилларда мамлакат бўйлаб истироҳат боғларини босқичма-босқич барпо этиш дастури тасдиқланган. Ушбу боғлар аҳоли, айниқса, болалар ва ёшларнинг маданий ҳордиқ чиқаришига хизмат қилиш билан бирга, уларни миллий қадриятлар, ватанпарварлик ва бағрикенглик руҳида тарбияловчи муҳим масканларга айланмоқда.

“Умуммиллий бирдамлик” тушунчаси бугун Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг таянч ғояларидан бирига айланди. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам халқ хизматидаги давлат бошқарувини йўлга қўйиш, жамоатчилик назорати ва ижтимоий шерикликни ривожлантириш алоҳида устувор йўналиш сифатида белгиланган. Зеро, кўп миллатли ва кўп конфессияли жамиятда барқарор тараққиётга фақат ўзаро ҳурмат, ишонч ва ҳамжиҳатлик орқали эришиш мумкин. Шу нуқтаи назардан, бугунги конференция мавзуси нафақат долзарб, балки давлатимиз истиқболи учун стратегик аҳамият касб этади.

УМУММИЛЛИЙ БИРДАМЛИКНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида жамиятни жипслаштириш, миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Бу борада, энг аввало, 2023 йилда умумхалқ референдуми орқали қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституцияда давлат қурилишининг стратегик мақсади — суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат барпо этиш экани мустаҳкамланди; ижтимоий адолат ва бирдамлик тамойиллари конституциявий мақомга кўтарилди. Шунингдек, илк бор фуқаролик жамияти институтларига бағишланган алоҳида боб киритилиб, улар мустақил конституциявий институт сифатида эътироф этилди. Бош қомусимизда давлатнинг барча халқлар тили, урф-одат ва анъаналарини ҳурмат қилиш мажбурияти қатъий белгилаб қўйилди.

Бугунги кунга қадар соҳага оид 40 дан зиёд қонун, фармон ва қарорлар қабул қилиниб, ирқий ва миллий камситишга қарши ҳуқуқий кафолатлар сезиларли даражада кучайтирилди.

Маълумки, 2026 йилнинг январь-февраль ойларида мустақиллик йилларидаги илк тўлиқ ва рақамлаштирилган аҳолини рўйхатга олиш тадбири амалга оширилди. Мазкур жараён 1989 йилдан буён — яъни сўнгги 37 йил ичида — ўтказилган аҳолини биринчи рақамли рўйхатга олиш бўлиб, унинг дастлабки натижаларига кўра, мамлакатимиз аҳолиси илк бор 39 миллион нафардан ошди. Бу мустақиллик йилларида аҳоли сони деярли икки бараварга кўпайганини кўрсатади. Аҳолининг этник таркиби эса юртимиздаги кўп миллатлилик муҳитининг ўзига хос кўринишини намоён этади: бугунги кунда Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари тотув, аҳил яшаб, биргаликда меҳнат қилмоқда. Хусусан, аҳолининг 89,4 фоизини ўзбеклар, 3,3 фоизини тожиклар, 2,2 фоизини қорақалпоқлар, 1,8 фоизини қозоқлар, 1,6 фоизини руслар, 0,6 фоизини қирғизлар, 0,5 фоизини туркманлар ва 0,8 фоизини бошқа миллат вакиллари ташкил этади.

Ушбу рақамлар ортида ҳар бир инсоннинг ўз тили, маданияти ва анъаналарини эркин асраб-авайлаш ҳуқуқи кафолатлангани мужассамдир.

УМУММИЛЛИЙ БИРДАМЛИКНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ МЕХАНИЗМЛАРИ

Мамлакатимизда миллатлараро ҳамжиҳатликни таъминлашга хизмат қилувчи институционал инфратузилма кўлами ҳам йилдан-йилга кенгаймоқда.

2025 йилда Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари қўмитаси қайта ташкил этилди, шунингдек, “Ватандошлар” жамоат фонди таъсис қилинди. 2024 йилда меҳнат миграциясини тартибга солувчи, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ҳамда хусусий бандлик агентликлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Миграция агентлиги фаолияти қайтадан йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги мавжуд кенгашлар “Умуммиллий бирдамлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш бўйича жамоат кенгашлари” сифатида қайта номланиб, улар миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашда маслаҳат органи вазифасини бажариб келмоқда.

Бундан ташқари, барча ҳудудларда ташкил этилган “Дўстлик уйлари” миллатлараро алоқаларни мустаҳкамлаш ва маданий ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим ўрин тутмоқда.

УМУММИЛЛИЙ БИРДАМЛИК: ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ

Бугунги кунда Ўзбекистонда 157 та миллий маданий марказ фаолият юритмоқда ва улар хориждаги 98 та ватандошлар жамияти билан яқин ҳамкорлик ўрнатган. Телерадиоэшиттиришлар 12 та тилда, матбуот нашрлари 14 та тилда олиб борилмоқда, умумтаълим мактабларида эса ўқитиш 7 та тилда йўлга қўйилган. “Келажак соати” таълим ташаббуси доирасидаги ҳафталик машғулотлар билан 11,8 миллион ўқувчи қамраб олинди. Алоҳида таъкидлаш жоизки, ижтимоий жиҳатдан ҳимояга муҳтож қатламларга қаратилаётган эътибор ҳам изчил кучайтирилмоқда: 16 минг 317 нафар лўли миллатига мансуб болалар мажбурий таълимга жалб этилди, юртимиздан бошпана топган 157 нафар афғонистонлик фуқарога касб-ҳунар ўргатиш ва тадбиркорлик фаолиятини бошлашда кўмак берилди, 42 нафар фаластинлик бола эса таълим тизимига тўлиқ интеграция қилинди. Ҳозирги вақтда давлат хизматида 35 та миллатга мансуб қарийб 5 минг нафар кадр фаолият юритмоқда, парламент депутатларининг 12,7 фоизи эса нотитул миллат вакилларидир.

УМУММИЛЛИЙ БИРДАМЛИК ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ

Алоҳида таъкидлаш лозимки, фуқаролик жамияти институтлари умуммиллий бирдамликни мустаҳкамлаш борасидаги ислоҳотларнинг энг яқин ҳамкорига айланди. Мамлакатимизда таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва бошқа соҳаларда қарийб 10 мингта нодавлат нотижорат ташкилоти эркин фаолият кўрсатмоқда. Уларда 70 мингга яқин фуқаро меҳнат қилмоқда. Жумладан, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўналишида 652 та, ёшлар соҳасида 650 та, ҳуқуқий-демократик институтларни ривожлантириш йўналишида 839 та, маданият, тарих ва маърифат соҳасида 564 та ННТ фаолият олиб бормоқда. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг тадбирлар ўтказишида адлия органларидан рухсат олиш тартиби бекор қилиниб, хабарнома тизими жорий этилгани ҳамда уларнинг ҳар йили қабул қилинадиган давлат дастурларидаги 350 та банд ижросида бевосита иштирок этаётгани — фуқаролик жамиятига кўрсатилаётган юксак ишончнинг амалий тасдиғидир.

УМУММИЛЛИЙ БИРДАМЛИК: МОНИТОРИНГ ВА БАҲОЛАШ АСОСЛАРИ

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ мазкур жараёнларда фуқаролик жамияти институтлари билан яқин ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятлари доирасида тайёрланадиган даврий маърузалар ҳамда миллий ҳаракатлар режалари лойиҳаларини ишлаб чиқишга жамоатчилик вакиллари фаол жалб этилмоқда. Бугунги кунга қадар БМТнинг тегишли кенгашлари ва шартномавий қўмиталарига 50 дан ортиқ миллий маъруза тақдим этилди, уларнинг тавсиялари асосида эса 7 та миллий ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Биргина 2024-2026 йилларда марказ фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда 15 та тадбир, жумладан, БМТнинг бир қатор конвенциялари ижроси юзасидан мустақил мониторингларни ташкил этди.

УМУММИЛЛИЙ БИРДАМЛИК ВА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Халқаро миқёсда ҳам мамлакатимизнинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари муносиб эътироф этилмоқда. Жорий йилнинг апрель ойида Женевада БМТнинг Ирқий камситишни тугатиш қўмитасининг 117-сессиясида Ўзбекистоннинг 13-14-даврий ҳисоботи кўриб чиқилди. Мазкур ҳисобот 40 дан зиёд давлат органи ва фуқаролик жамияти институтининг бевосита иштирокида тайёрланди.

Қўмита аъзолари Ўзбекистон ҳисоботи юқори касбий маҳорат ва очиқлик руҳида тақдим этилганини эътироф этиб, мамлакатда кейинги йилларда амалга оширилган ислоҳотларни, хусусан, фуқароларнинг ирқий, миллий ва диний мансублигидан қатъи назар тенг ҳуқуқларини таъминлаш, заиф қатламларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, тил, маданият ва таълим соҳасидаги кўпмиллатлилик сиёсатини ижобий баҳолади.

Шунингдек, Қўмита аъзолари томонидан Ўзбекистоннинг Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегияси доирасида ва фуқаролик жамияти институтлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш йўналишида эришилган натижалар алоҳида таъкидланди.

Муҳокамалар якунида Ўзбекистон учун бир қатор амалий тавсиялар илгари сурилди. Жумладан, аҳолининг барча қатламлари, хусусан, эҳтиёжманд оилалар ва турли миллат вакилларининг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш, суд-ҳуқуқ тизимида тенглик принципини мустаҳкамлаш ҳамда оммавий ахборот воситаларида ирқий ва миллий тенглик мавзусидаги таълим-тарғибот ишларини кенгайтириш бўйича таклифлар билдирилди.

Бу эса мамлакатимизнинг БМТ ва унинг ихтисослашган тузилмалари билан очиқ, ишончли ҳамда самарали шерикликка тайёрлигини яққол намоён этади. Ўзбекистоннинг мазкур сессиядаги фаол иштироки халқаро майдонда давлатимизнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги нуфузини ошириб, ислоҳотларни халқаро стандартлар асосида давом эттириш муҳимлигини яна бир бор тасдиқлади. Ҳукумат ва фуқаролик жамиятининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари юртда тинчлик, барқарорлик ва бағрикенгликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Бундай халқаро баҳолар ва тавсиялар эса давлатимизнинг истиқболдаги инсон ҳуқуқлари сиёсатини янада такомиллаштириш учун пухта замин яратади.

Халқаро мажбуриятларнинг ижроси ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ислоҳотлар самарадорлигини ўрганиш мақсадида мамлакатимизга бир қатор нуфузли халқаро экспертлар ташриф буюрди. Жумладан, БМТнинг икки нафар бош комиссари, тўрт нафар махсус маърузачиси ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) Миллий озчиликлар ишлари бўйича олий комиссари Ўзбекистондаги ислоҳотларни ўрганиб, уларга юқори баҳо берди.

Таъкидлаш керакки, Барқарор ривожланиш мақсадларининг 169 та вазифасидан 92 фоизи бевосита инсон ҳуқуқлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда амалга оширилмоқда.

Бу ўринда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг халқаро майдондаги ташаббускор фаолиятини алоҳида кўрсатиб ўтиш ўринлидир. Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 72-, 75-, 76-, 78- ва 80-сессияларида, шунингдек, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида иштирок этиб, жаҳон минбаридан 100 дан зиёд ташаббусни илгари сурди. Бу ташаббуслар халқаро ва минтақавий хавфсизлик, таълим, маънавият, экология, туризм ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби муҳим йўналишларни қамраб олган.

Мазкур глобал ташаббуслар самараси ўлароқ, ўтган давр мобайнида минтақавий барқарорликни мустаҳкамлаш, миллатлараро тотувлик муҳитини таъминлаш ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга қаратилган қатор салмоқли натижаларга эришилди. Жумладан, Президентимиз ташаббуси билан шу кунга қадар БМТ Бош Ассамблеясининг 15 та резолюцияси қабул қилинди ва уларнинг аксарияти Марказий Осиё минтақасига тааллуқлидир. Жорий йилнинг 24 июль куни БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси асосида ишлаб чиқилган “Ижтимоий ривожланишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги резолюциянинг қабул қилиниши ҳам ушбу тизимли саъй-ҳаракатларнинг давоми бўлди.

Ташқи сиёсатдаги ютуқлар билан бир қаторда, миллий ҳамжиҳатлик муҳити жамиятнинг ички ҳаётида ҳам ўз ифодасини топмоқда. “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази маълумотларига кўра, сўровда қатнашган респондентларнинг 90 фоизи юртимиздаги миллатлараро муносабатлар ҳолатини ижобий баҳолаган. Жорий йилнинг ўзида 23-30 июль кунлари ўтказилган “Дўстлик” фестивали ва “Бағрикенглик ҳафталиги” каби оммавий тадбирларда 700 мингдан зиёд киши иштирок этиб, маданиятлараро мулоқотни янада жонлантирди.

Эришилган муваффақиятлар билан бир қаторда, очиқ ва конструктив муҳокамага муҳтож бўлган қатор вазифалар ҳам долзарблигини йўқотгани йўқ. Хусусан, минтақадаги миграция жараёнлари ҳамда кўчирилган шахсларни жамиятга тўлақонли интеграция қилиш, Оролбўйи минтақасидаги экологик инқирознинг аҳоли турмуш тарзига салбий таъсирини юмшатиш, шунингдек, давлат хизматчиларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳуқуқий саводхонлиги ва малакасини тизимли ошириб бориш талаб этилади.

Бугун жаҳоннинг турли нуқталарида миллий ва диний низолар авж олаётган таҳликали даврда мамлакатимиз раҳбари белгилаб берган устувор вазифалар янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек: “Дунёнинг турли минтақаларида миллий ва диний асосда турли низолар давом этаётган ҳозирги ўта таҳликали шароитда ягона Ўзбекистон ғояси асосида энг катта бойлигимиз — юртимиздаги осойишталик ва барқарорлик, ўзаро ҳурмат ва тотувлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар, билим-маърифат, касб-ҳунарлар эгаси этиб тарбиялаш, инклюзивлик тамойилларини чуқурлаштириш борасидаги ишларимизни келгусида ҳам изчил давом эттирамиз”. Бу стратегик вазифалар умуммиллий бирдамлик ғояси рўёбида мустаҳкам таянч вазифасини ўтайди.

Бугунги синовлар ва глобал таҳдидлар шароитида бирдамлик ҳамда аҳиллик ҳар қачонгидан ҳам зарурдир. Бу борада буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг асрлар оша ўз қадрини йўқотмай келаётган машҳур байти ёдга тушади:

Олам аҳли, билингизким, иш эмас душманлиғ,
Ёр ўлунг бир-бирингизгаким, эрур ёрлиғ иш.

Ҳазрат Навоий башариятни низо ва душманликдан тийилиб, бир-бирига суянч бўлишга, аҳиллик ва ҳамжиҳатликда умр кечиришга ундайди. Зеро, фақатгина якдил бирдамлик ҳақиқий тараққиёт ва осойишталикни таъминлашга қодир.

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизда қарор топган миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик — нафақат аждодлардан мерос қолган улуғ қадрият, балки давлатимизни келажак сари дадил етакловчи стратегик салоҳиятимиздир. Мазкур улкан бойликни асраб-авайлаш ҳамда дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш барчамизнинг муқаддас бурчимиз ҳисобланади.

ЯНГИ НАШР



Ёшликда қўлга тушган китобни ютоқиб ўқийверар эканмиз-у, ёш улғайгач, ўйлаб, танлаб мутолаага киришар экан одам. Мен яқинда шундай бир асарни ўқиб чиқдимки, у етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган ҳар бир китобхоннинг дилини равшан қилади.

“Jadid” газетасида йўлга қўйилган “Jadid kutubxonasi” рукни остида “ТИЛДА, ФИКРДА, ИШДА БИРЛИК!” (2-китоб) номли тўпламни мутолаа қилиш давомида кўнглимдан “Бу китоб — миллатимиз фидойиларининг китоби, қалб кўзгуси” деган фикр сира кетмади. Номига муносиб ушбу тўпламга киритилган мақола, очерк ва эсселар йил давомида “Jadid” газетасида нашр этилган бўлиб, уларда халқимизнинг адабиёти, санъати, маданияти, тарихи, бугуни ва келажаги теран акс этган.

ЖАДИДОНА ОДИМ

Мен тўпламни ички ҳаяжон, руҳий қониқиш, миллатимиз ойдинлари билан фахрланиш, ғурур ва ифтихор туйғуларига ғарқ бўлган ҳолда ўқиб чиқдим. Китобнинг илк саҳифаси Давлатимиз раҳбарининг “Туркистон жадидлик ҳаракатининг асосчиси, атоқли адиб ва жамоат арбоби, ношир ва педагог Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 150 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори билан бошланган. Бу — миллатимиз ойдинлари бўлган жонкуяр жадидларимиз хотирасига кўрсатилаётган юксак эҳтиромнинг ёрқин ифодаси бўлди.

Китобда нафақат жадид боболаримиз, балки кейинчалик миллатимиз равнақига муносиб ҳисса қўшган ва қўшаётган маърифатпарвар, миллатпарвар олимлар, адабиёт ва санъат намояндалари ҳақидаги мақолалар ҳам ўрин олган. Уларни ўқиб, ўзимиз билган ва билмаган қимматли маълумотлардан баҳраманд бўламиз. Табиийки, бу битиклар инсоннинг маънан юксалиш борасидаги эҳтиёжларини тўла-тўкис қондиради, илм-маърифатга ундайди.

Уммон тубидаги дуру жавоҳирлар каби илм-фан, маърифат нурлари ёлқинланиб турган маънавият сарчашмаси ҳақида, менимча, батафсил сўзлаш зарур. Дарҳақиқат, халқимизнинг бу юксак маънавий бойлигини асраш, замонавий илмлар билан бойитиш, миллат шаъни ва нуфузи учун курашишни мақсад қилган жадидларимизнинг саъй-ҳаракатлари замирида ҳам шу миллат қайғуси ётар эди. Бас, шундай экан, улар ҳақида қанча ёзилса, ўрганилса ҳам оз.

Шу ўринда таниқли ижодкор, журналист Эшқобил Шукурнинг мақоласида келтирилган Шайх Саъдийнинг тўртлиги жадидлик ҳаракатининг асл мазмун-моҳиятини янада ёрқинроқ очиб беради:

Сийна лиммо-лим аламдир,
қайда малҳамдин дарак,
Янги одам, янги олам
қайтадан тузмоқ керак...

Демак, жадидларимизнинг мақсади халқимизнинг азалий орзуларини рўёбга чиқариш бўлган. Афсуски, ёвуз кучлар уларнинг йўлига ғов бўлишди, уларни ҳам жисман, ҳам маънан маҳв этишга уринишди. Лекин миллат ойдинларининг қатъияти, ўз мақсади ва халқига садоқати туфайли улар тутган маёқ сўнмади, эзгу йўлни авлодлар давом эттириб келмоқда. Мазкур китоб ана шундай фидойиларнинг шарафли йўли, айни дамда аянчли қисмати ҳақида сўзлайди; ёш авлодни миллат шаъни, обрўси ва ғурури йўлидаги саъй-ҳаракатларда фаол бўлишга чорлайди.

Бу борада “Jadid” газетаси бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзонинг Ўзбекистон Қаҳрамони, санъат арбоби ва мутаржим Иброҳим Ғафуров билан “Жадидлик энди ўлмайдиган ҳаракатга айланди” мавзусидаги суҳбати айни муддао бўлган. Фикри ожизимизча, тўпламга киритилган барча мақолаларнинг ўзак ғояси худди шу суҳбатдан бошлангандек таассурот уйғотади.

Зеро, унда жадидларнинг нима сабабдан бошларини кундага қўйиб, бу оғир йўлни танлаганлари, мардларча қурбон бўлганларининг асл сабаблари бирма-бир очиб берилгани, ҳар бир сиймо ҳақида мўътабар маълумотлар асосида ҳикоя қилингани, шунингдек, уларнинг ишини давом эттирган замондош маърифатпарварларимиз тўғрисидаги қизиқарли тафсилотлар ҳеч бир ўқувчини бефарқ қолдирмаслиги шубҳасиз.

Айниқса, ҳозирги кунда долзарб мавзуга айланган сунъий интеллект технологияларининг яратилиши, ҳаётимизга шиддат билан кириб келаётган бу феноменнинг ижобий жиҳатлари-ю хавотирли томонлари ҳақидаги мулоҳазаларни синчиклаб ўқиш ва мағзини чақиш давр талаби эканини англамасликнинг иложи йўқ.

Таъкидлаганимиздек, ушбу китоб уммони тубидаги жавоҳирлар бисёр, уларни биргина мақолада айтиб тугатиш мушкул. Хусусан, ёш журналист, Отабек Бакиров ёзиб олган Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комиловнинг саҳна даргаси Шукур Бурҳонов ҳақидаги хотираларини ҳаяжонсиз ўқиб бўлмайди!

Худди шунингдек, таниқли журналист Гулчеҳра Умарованинг атоқли ёзувчи Одил Ёқубов ҳақидаги хотираларини ўқир экансиз, бу забардаст ижодкорнинг сурати-ю сийрати кўз ўнгингизда бор бўйича намоён бўлади.

Китобдан ўрин олган жадидларимизнинг ҳаёти ва фаолияти, улар бошидан кечирган фожиаларга тўла ялдо кечаларини моҳирона тасвирлаб, миллат ойдинлари сиймосини ҳақиқат нури билан ёритган атоқли адибимиз Хайриддин Султоннинг “Ёзганингиз улусқа маргуб бўлғай” сарлавҳали мақоласидан иқтибос келтиришни жоиз топдик:

“Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан ташкил этилган ушбу газета қисқа вақт ичида ижтимоий-маънавий ҳаётимизда, миллий оммавий ахборот воситалари орасида муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллаб бораётгани қувонарли ҳолдир. Бунинг асосий сабаблари ҳақида гапирганда, газетанинг дастурий йўналишлари, мазмун-мундарижаси, таҳририят ходимларининг билим ва истеъдоди, меҳнаткашлиги ва жонкуярлигини алоҳида эътироф этиш лозим”.

Сайёра РИХСИЕВА,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

ЭЪЛОН

УВЕДОМЛЕНИЕ

ООО “GDF AGRO” (ИНН 307460174) в связи с реорганизацией в форме присоединения к ООО “UNIAGRI GROUP”, уведомляет всех кредиторов и дебиторов, получивших уведомление о переводе прав и обязательств, при необходимости предъявлять требования по досрочному исполнению в адрес ООО “UNIAGRI GROUP” по адресу: г. Ташкент, Шайхантахурский район, СГМ Кох ота, улица Лабзак, дом 115А, в течение 30 календарных дней.

УВЕДОМЛЕНИЕ

ООО “UNIAGRI GROUP” (ИНН 310800803) в связи с реорганизацией в форме присоединения к нему ООО “GDF AGRO”, уведомляет всех кредиторов и дебиторов, получивших уведомление о переводе прав и обязательств, при необходимости предъявлять требования по досрочному исполнению в адрес ООО “UNIAGRI GROUP” по адресу: г. Ташкент, Шайхантахурский район, СГМ Кох ота, улица Лабзак, дом 115А, в течение 30 календарных дней.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси фахрий журналист
Эркин ХЎЖАЕВнинг
вафоти муносабати билан оила аъзолари ва барча яқинларига таъзия изҳор этади.

НУҚТАИ НАЗАР

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ТИЗИМИ: ТАҲЛИЛ ВА ХУЛОСАЛАР

ёхуд ўқитувчи тайёрлаш, педагогик маҳорат ва ўқитиш услубининг узилмас занжирини мустаҳкамлаш зарурати хусусида

Қишлоқ хўжалигида муваффақиятсиз чиққан тажрибани кейинги мавсумда қайта ўтказиш мумкин. Лабораториядаги синовни ҳам такрорлаш имкони бор. Таълимда эса боланинг бой берилган бир йилини асло ортга қайтариб бўлмайди. Шу сабабли мактаб таълими ва педагог кадрлар тайёрлаш тизими узлуксиз тажрибалар майдонига айланиб қолмаслиги зарур.

Бу қиёс таълимда янгиликка ўрин йўқлигини англатмайди. Янгилик зарур, аммо у, энг аввало, аниқ муаммо, илмий гипотеза, чекланган синов майдони ва холис мустақил баҳолашга таяниши керак. Қишлоқ хўжалигида янги нав ёки агротехнология натижа бермаса, тажриба лабораторияда, иссиқхонада ёхуд кейинги мавсумда такрорланади. Мактаб ёшидаги бола эса ўқиган синфига, бой берган йилига ва шахс сифатида шаклланишининг ўша ноёб босқичига қайта олмайди. Миллионлаб ўқувчиларга татбиқ этиладиган ҳар бир дастур, дарслик ва методика ана шу ортга қайтариб бўлмас вақт олдида масъулдир.

Бола ҳаётидаги ҳар бир таълим босқичи кейингиси учун пойдевор вазифасини ўтайди. Бошланғич синфда ўқиб тушуниш кўникмаси шаклланмаса, юқори синфда мураккаб фанларни ўзлаштириш қийинлашади; ўқитувчи болада билиш ва ўрганиш иштиёқини уйғота олмаса, энг замонавий дарслик ҳам кутилган самарани бермайди. Демак, таълимдаги ҳар бир янгиликнинг марказида дастур ёки расмий ҳисоботлардан олдин боланинг камолот манфаати туриши шарт.

Шунинг учун таълимдаги ислоҳотларнинг асл қиймати қабул қилинган ҳужжатлар ёки ўтказилган тадбирлар сони билан эмас, балки боланинг билими, дунёқараши ва ҳаётий имкониятларида юз берган ижобий ўзгаришлар билан ўлчанади. Таълимдаги маъмурий хатони тузатиш мумкин, аммо боланинг йўқотилган вақтини тиклаб бўлмайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг: “Таълим ва тарбиянинг асоси, пойдевори бу — мактаб. Мактабни мактаб қиладиган куч эса ўқитувчилардир”, деган чуқур маъноли сўзлари масаланинг моҳиятини яққол очиб беради. Сўнгги йилларда янги мактаб ва боғчалар барпо этилди, минглаб муассасалар янгиланди, таълим қамрови кенгайди, педагоглар меҳнатини рағбатлантириш ва уларнинг касбий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари сезиларли даражада кучайтирилди. “Таълим тўғрисида”ги ва “Педагогнинг мақоми тўғрисида”ги қонунлар, 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ҳамда 2022-2026 йилларга мўлжалланган Миллий дастур тизим учун мустаҳкам замин яратди. Эндиги ҳал қилувчи вазифа ана шу имкониятларни бевосита синфхонадаги сифатга, ўқитувчи маҳоратига ва ўқувчи камолотига айлантиришдан иборатдир.

Тасарруфдан натижагача

Мазкур ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида 2025 йил 28 апрелда Президентимизнинг “Педагог кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Ушбу ҳужжат педагог кадрлар тайёрлашни янгона ёндашув асосида янги сифат босқичига кўтариш, таълим дастурларини халқаро тажриба негизида трансформация қилиш, таълимда узвийликни ҳамда илм-фан билан амалиёт уйғунлигини таъминлашга қаратилди. Ўн учта педагогика олийгоҳининг Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимига ўтказилиши олий таълим муассасасини унинг асосий буюртмачиси бўлмиш мактабга яқинлаштириш воситаси сифатида белгиланди. Моҳиятан Фармон шунчаки идоравий тасарруфни алмаштирмади, балки мактаб, олий ўқув юрти ва педагогни янгона натижа занжирига боғлашни кўзлаган стратегик ҳужжат бўлди.

Давлатимиз раҳбари томонидан соҳани ривожлантириш ва янги босқичга олиб чиқиш учун мақсад, ҳуқуқий асос ва институционал имкониятлар белгилаб берилди. Эндиликдаги асосий савол шундай: Фармонда белгиланган вазифаларнинг ижро механизми қандай ишлади ва амалий натижа мактаб синфхонасигача етиб бордими?

Ушбу Фармонда мазкур саволга жавоб берадиган механизмлар аниқ-тиниқ кўрсатиб ўтилган: мактаб дарсликлари ва методик қўлланмаларини олийгоҳ ўқув жараёнига интеграция қилиш, дастурларни мактаб эҳтиёжлари билан мувофиқлаштириш, 3-4-босқич талабалари учун “4+2” амалиётини йўлга қўйиш, “илмий муаммолар банки”ни шакллантириш, тадқиқотларни боғча ва мактаб муаммоларига йўналтириш ҳамда талабалар билимини ташқи диагностикадан ўтказиш. Фармонга кўра, Низомий номидаги Ўзбекистон миллий педагогика университети қайта ташкил этилди, педагогика институтлари янги тизимга ўтказилди, дуал таълим ва дастурларни янгилаш ишлари бошланди. Булар дастлабки муҳим қадамлар бўлиб, энди уларнинг амалий ва институционал самарасини таъминлаш зарур.

Маълумки, ҳар қандай стратегик ҳужжатнинг тақдири уни ўқийдиган, моҳиятини теран англайдиган ва кундалик қарорларида акс эттирадиган масъул кадрларга бевосита боғлиқ. Ижрочи Фармон бандини навбатдаги расмий топшириқ ёки бир марталик тадбир сифатида қабул қилса, институционал мақсад майда чора-тадбирларга бўлиниб, сочилиб кетади. Уни яхлит натижа занжири сифатида англаган раҳбар эса ҳар бир вазифани ўқув режаси, педагогик амалиёт, битирувчи сифати ва мактабнинг холис баҳоси билан боғлайди. Бу ерда ижродаги муаммолар кўп ҳолларда ресурс етишмовчилиги билан эмас, балки бошқарув тафаккури ва касбий масъулият даражаси билан белгиланади.

Бошқарув тафаккуридаги ана шундай сифат ўзгариши, аввало, ҳисоботлардаги тадбирлар сонидан эришилган реал натижага ўтишни талаб қилади. Таълимга бағишланган халқаро форумлар, илмий-амалий конференциялар, кенгаш йиғилишлари, давра суҳбатлари, хорижий стажировкалар ва қўшма дастурлар кўпаяётгани, албатта, қувонарли. Бироқ улардан қайси методика мактабга кириб борди? Қайси стажировка амалдаги ўқув режасини ижобий томонга ўзгартирди? Қайси илмий мулоқот ёш ўқитувчининг синфдаги биринчи дарсида акс этди? Агар халқаро фаоллик синфхонадаги сифат ўзгаришига айланмас экан, ҳаракат билан натижа ўртасидаги боғловчи механизмларни танқидий қайта кўриб чиқишга тўғри келади. Муаммонинг асл илдизи ташаббуслар сонида акс этмайди, балки уларни тўғри саралаш, миллий муҳитга мослаштириш ва амалиётчига аниқ методика тарзида етказиб бериш кўникмасига бориб тақалади.

> **Таълим ва тарбиянинг асоси, пойдевори бу — мактаб. Мактабни мактаб қиладиган куч эса ўқитувчилардир.**
>
> **Шавкат МИРЗИЁЕВ**

Яна бир муҳим жиҳатни очиқ англашимиз керак: мактабдаги ҳақиқий ўзгариш янги атамалар ёки навбатдаги тақдимотлардан бошланмайди. У ўқитувчининг эрталаб синфга қандай тайёргарлик билан кириши, мавзуни қайси усулда тушунтириши, боланинг тушунмаган нуқтасини қандай аниқлаши ва натижани қай тарзда баҳолашидан бошланади. Демак, ҳар бир халқаро ёки миллий ташаббус олдида “Бу ўқитувчининг кундалик амалиётида нимани ўзгартиради?” деган мажбурий савол кўндаланг туриши керак.

Шу нуқтаи назардан, олий таълим даргоҳи ректорининг иш столига мактабдаги қайси долзарб муаммо мунтазам олиб чиқилаётгани жуда муҳимдир. Кафедра режасида қайси мактаб ёки ўқитилаётган фаннинг аниқ қийинчилиги тадқиқот вазифасига айлантирилди? Мактаб директори педагогика олийгоҳи битирувчисининг касбий сифатига қайси ҳуқуқий ва рақамли тизим орқали баҳо бермоқда? Олий таълим маскани ўқув режаси мактаб дастури билан қай даражада уйғунлашди? Бу саволларга олий таълим даргоҳлари кесимида қиёсий ва даврий жавоб бериб борилсагина, ПФ–73-сон Фармон ижроси расмий жараён ҳисоботидан амалий таъсир ва натижадорлик босқичига ўтади.

Аслида, педагогика олий таълим муассасаларини вазирлик тизимига ўтказиш вазифанинг фақатгина ташкилий-ҳуқуқий қисми эди; Фармондаги механизмларни кундалик бошқарув амалиётига айлантириш эса унинг мазмуний ўзагидир. “Де-юре” бўйсунув ўзгарганидан сўнг, “де-факто” кафедра, таянч мактаб ва иш берувчи ўртасида қандай янги амалий муносабат қарор топгани натижалар орқали кўриниши лозим. Ташкилий яқинлашув мазмунга айланган тақдирдагина тасарруф ўзгаришининг асл самараси намоён бўлади.

Тан олиш керак, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги зиммасидаги бошқарув юкламаси мисли сиз даражада улкан эди: 39 мингдан ортиқ давлат, нодавлат ва оилавий мактабгача таълим ташкилоти, 10 мингдан зиёд умумтаълим мактаби, Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар, Миллий педагогика университети ҳамда 12 та ҳудудий педагогика олийгоҳи, Абдулла Авлоний номидаги миллий институт ҳамда ҳудудий малака ошириш марказлари ягона бошқарув майдонида фаолият юритди. Тўғри, тасарруфнинг ўзгариши педагогика олий таълим муассасаларини соҳавий буюртмачига яқинлаштирди, мактаб ва боғчаларни доимий амалиёт базасига айлантириш ҳамда илмий тадқиқотларни бевосита амалий муаммолар ечимига йўналтириш учун қулай институционал имконият яратди. Бироқ маъмурий яқинлик аниқ касбий малака талаблари, мустақил баҳолаш ва барқарор қайтар алоқа билан мустаҳкамлангандагина мазмуний интеграцияга айланишини унутмаслик лозим.

Шу боис бу давр натижаларини “ким ютди, ким ютқазди?” деган содда тақсимот билан баҳолаш масала моҳиятини тўлиқ очиб бермайди. Асосий мезон вазирликлар юкламаси ёки тасарруфдаги бинолар сонида эмас, балки давлатнинг умумий манфаати ва тайёрланаётган педагог кадрлар сифати бўлиши лозим. Қайси бўғин мактабга яқинлашди, қайси академик имконият сусайди, қайси йўналишда мувофиқлаштириш кучайди-ю, қаерда бошқарув ритмлари ўртасида тафовут пайдо бўлди — натижалар аудити, аввало, ана шу манзарани холис очиб бериши шарт.

Масаланинг иккинчи муҳим томони — педагогика олий таълим даргоҳларининг ҳуқуқий табиатига кўра, олий таълим муассасаси бўлиб қолишидир. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 8 августдаги 489-сон қарорига мувофиқ, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги мазкур соҳадаги ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи ва мувофиқлаштирувчи ваколатли республика органи ҳисобланади. Унинг академик стандартлар, “HEMIS” ва бошқа рақамли хизматлар, илмий лойиҳалар ҳамда давлат грантлари, академик мобиллик, халқаро ҳамкорлик, олий ўқув юртлари раҳбарлари масъулияти ва битирувчилар бандлигини бирлаштирган яхлит инфратузилмаси республика олий таълимининг умумий қон томиридир. Педагогика ўқув масканларининг мактабга яқинлашуви мазкур умумтизим инфратузилмасидан узилиш ёки масофаланиш ҳисобига амалга ошмаслиги лозим.

Кейинги даврда республика олий таълим тизимида натижадорликка йўналтирилган механизмлар сезиларли даражада кучайди. Жумладан, “Келажакка қадам” дастури ва “career.edu.uz” платформаси битирувчини иш берувчи ҳамда бўш иш ўринлари билан тўғридан-тўғри боғламоқда; тармоқ буюртмаси, иш берувчилар иштирокидаги баҳолаш, индивидуал касбий модуллар ва амалий тайёргарликнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида 2025 йил 8 август куни олий таълим муассасалари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш масалалари бўйича ўтказилган йиғилишда олий таълим масканлари фаолиятини рейтинг баҳолашнинг мутлақо янги мезонлари белгилаб берилди.

Унга мувофиқ, олий таълим ўқув юртларига:

битирувчилар бандлиги учун — 40 балл,

тармоқ буюртмаси асосидаги илмий тадқиқотлар ва уларнинг маҳсулотини тижоратлаштириш натижаси учун — 30 балл,

илмий салоҳият ҳамда нуфузли халқаро журналлардаги нашрлар учун — 20 балл,

маҳаллий ва хорижий грантларни жалб этганлик учун — 10 баллгача берилиши, молиялаштириш эса бевосита тўпланган натижага боғланиши белгиланди.

Бу ёндашув ректор масъулиятини ўтказилган тадбирлар кўлами билан эмас, балки битирувчининг тақдири, илм-фаннинг тармоққа берган аниқ нафи ва олийгоҳнинг реал кўрсаткичлари орқали баҳолашга қаратилгани билан ғоят аҳамиятлидир. Шундай шароитда педагогика олийгоҳларининг ҳам бандлик, рақамлаштириш, илмий грантлар ва академик ривожланиш бўйича умумий жараёнлардан ортда қолмасдан ҳаракат қилиши талаб этилади.



Президентимиз белгилаб берган мазкур натижадорлик модели педагогика олийгоҳларининг бошқарув мақомига ҳам аниқ мезонлар асосида ёндашишни тақозо қилади. Агар барча олий таълим муассасалари ягона кўрсаткичлар (бандлик, илмий маҳсулот, салоҳият ва грантлар) бўйича баҳоланса, педагогика олийгоҳларининг ушбу натижаларни таъминловчи ягона академик ва рақамли инфратузилмадан чеккада бўлиши бошқарув мантиғига тўлиқ мос келмайди. Шу нуқтаи назардан, уларнинг Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг ягона академик бошқарув тизимида фаолият юритиши институционал жиҳатдан мақбул ечим сифатида намоён бўлади.

Бундай тизим ягона таълим стандартлари ва сифат талабларини жорий этиш, рақамли маълумотларни ягона платформада интеграция қилиш, битирувчилар бандлиги ва раҳбарлар масъулиятини тенг мезонларда баҳолаш, илмий грантлар ҳамда тадқиқот базасидан кенг фойдаланиш, академик мобиллик ва халқаро аккредитация имкониятларини оширишга хизмат қилади. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги эса тармоқ буюртмачиси, амалиёт базасини таъминловчи стратегик ҳамкор ҳамда тайёрланаётган кадрлар сифатининг холис баҳоловчиси сифатида янада кучли мавқега эга бўлади. Энг муҳими, педагогик таълим умумий олий таълим тараққиётидан ажралиб қолган тармоққа айланмай, мактаб эҳтиёжи билан умуммиллий академик ривожланишни боғловчи мустаҳкам кўприкка айланади.

Ушбу бошқарув ечимининг самараси педагогика олийгоҳини мактабдан йироқлаштирмаган ҳолда икки вазирлик ваколатини ягона натижа занжирига боғлашда намоён бўлади:

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги асосий буюртмачи ва иш берувчи сифатида ҳудудлар ҳамда фанлар кесимида қанча ва қандай мутахассис зарурлигини белгилайди, миллий касбий профиль ва таянч компетенцияларни шакллантиради, олийгоҳ дастурларининг мактаб дарсликлари билан мазмуний уйғунлигига нисбатан талаб қўяди, амалиёт базасини яратади ҳамда ёш педагогнинг дастлабки иш фаолияти натижалари бўйича олийгоҳга расмий хулоса беради.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги эса мазкур давлат буюртмасини академик стандарт, ўқув режаси, профессор-ўқитувчилар салоҳияти, илмий-методик таъминот, рақамли мониторинг ва олийгоҳ раҳбариятининг шахсий масъулиятига айлантиради.

Бу ерда биринчи тузилма кадрга бўлган реал эҳтиёжни белгилайди, иккинчиси уни сифатли тайёрлаш учун жавоб беради, мактаб эса олинган натижани амалиётда кўрсатади ва баҳолайди.

Бундай ваколатлар мувозанатининг муваффақиятли намунасини Сингапур тажрибасида кўриш мумкин. У ерда Миллий таълим институти (“National Institute of Education”) Наньянг технология университети таркибидаги автоном тузилма ҳамда мамлакатнинг бош педагог кадрлар тайёрлаш маркази сифатида илмий тадқиқот университетининг бой академик муҳитида ривожланмоқда. Таълим вазирлиги эса педагогларга бўлган эҳтиёжни белгилайди, номзодларни саралаш, мактабдаги дастлабки амалиёт ва келгуси бандликни таъминлашда етакчи роль ўйнайди; ўқув дастурлари эса институт, вазирлик ва мактабларнинг уч томонлама узвий ҳамкорлигида мунтазам янгилаб борилади.

Демак, Сингапур тажрибасининг асосий хулосаси тайёр моделни шунчаки кўчириб олишда эмас, балки академик ривожланиш, тармоқ буюртмаси, мактаб амалиёти ва якуний натижа учун жавобгарликни аниқ тақсимлай олганидадир. Буюртмачи ва кадр тайёрловчи ўртасидаги ана шундай соғлом институционал муносабат талабчан мулоқот, холис баҳолаш ва таъсирчан қайта алоқа учун зарур муҳит яратади.

Аммо Халқаро “TOP-300”, “TOP-500” ёки “TOP-1000” олийгоҳларининг илғор дастурлари ва тажрибаси кўр-кўрона кўчириладиган тайёр қолип бўлиб қолмайди, балки пухта илмий-методик манба бўлиб хизмат қилиши мумкин. Уларнинг ҳар бир элементи миллий хусусиятларимиз, бола психологияси ва мактабнинг реал талабларига мослаштирилиб, таянч таълим муассасаларида тажриба-синов ва мустақил баҳолашдан ўтганидан кейингина кенг миқёсда амалиётга киритилиши зарур.

Тажриба-синов жараёнлари ҳам шунчаки номигагина ўтказиладиган қисқа муддатли синов бўлиб қолмаслиги шарт. Бир ўқув йили дастурнинг дастлабки камчиликларини юзага чиқарса, тўрт йиллик тўлиқ талабалар цикли унинг кадрлар тайёрлашдаги асл самарасини кўрсатади; ундан кейинги мониторинг эса ўзгаришларнинг мактабда қанчалик барқарор сақланиб қолаётганини аниқлайди. Турли ҳудудлар, тил муҳити ва мактаб турларини тўлиқ қамраб олиб, холис мустақил баҳолаш ўтказилгандан сўнгина янги моделларни республика миқёсида оммалаштириш давлатчилик эҳтиёткорлиги талабларига мос тушади.

Ўқув дастурларига сингдирилган миллий руҳ, рақамли компетенциялар ва замонавий методикаларнинг асл натижаси битирувчи мактабга бориб, ўқувчи билан юзма-юз ишлай бошлаганидагина тўлиқ намоён бўлади. Агар олийгоҳ билан мактаб ўртасидаги алоқа диплом топширилган куни узилса, тизим ўзи тайёрлаган мутахассисининг кейинги тақдири ва касбий маҳоратидан бехабар қолади. Ёш ўқитувчининг дастлабки уч йиллик фаолияти тажрибали мураббийлар кўмаги ва олийгоҳ билан мунтазам алоқа асосида кечиши, унинг кучли ҳамда ривожлантирилиши зарур бўлган жиҳатлари ҳақидаги маълумотлар эса олийгоҳ дастурларига қайта киритилиши лозим. Ана шундагина мактаб педагог тайёрлаш мазмунини белгиловчи асосий буюртмачи, амалий ҳамкор ва холис баҳоловчига айланади; олийгоҳ эса диплом топширилгандан кейин ҳам ўз битирувчисининг касбий камолоти учун маънавий-академик масъулиятни сақлаб қолади.

Узлуксиз занжир сари

Ушбу таҳлиллардан келиб чиқиб, педагогика олий таълим масканларини умумий олий таълим тараққиёти суръатида сақлаш, мактаб буюртмаси билан натижа асосида боғлаш ва бўлажак ўқитувчини замонавий таълим талабларига тўлиқ тайёр ҳолда етиштириш учун, бизнингча, қуйидаги устувор вазифаларга эътибор қаратиш лозим:

1. Педагогика олий ўқув юртларининг Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги доирасидаги ягона академик бошқарув, рақамлаштириш, илм-фан, бандлик мониторинги ва ҳисобдорлик контурида фаолият юритишини мустаҳкамлаш. Бунда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан расмий “натижа шартномаси” имзоланиб, унда кадрлар эҳтиёжи, битирувчилар компетенциялари, амалиёт сифати, дастлабки йилдаги фаолият кўрсаткичлари ҳамда мактабларнинг қониқиш даражаси бўйича аниқ талаблар белгиланиши шарт. Бундай оқилона тақсимот академик сифатнинг умумтизим стандартларида бўлишини таъминлайди, тармоқ буюртмаси эса олий таълим маскани мактабнинг реал эҳтиёжига узвий боғлаб туради.

2. Битирувчининг ягона миллий касбий профилини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги асосий иш берувчи сифатида фан билими, педагогик мазмун, бола психологияси, дарсни лойиҳалаш, форматив баҳолаш, синфни бошқариш, инклюзив таълим ҳамда рақамли ва сунъий интеллект саводхонлиги каби компетенцияларни белгилаб бериши, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги эса уларни давлат таълим стандартлари, малака талаблари ва ўқув режаларига тўлиқ сингдириши лозим.

3. Талабанинг тўрт йиллик узлуксиз касбий маршрутини жорий этиш ва педагогик амалиётни биринчи курсданоқ тизимли йўлга қўйиш. Мактаб ва мактабгача таълим муассасалари доимий клиник амалиёт базасига айланиши, маҳоратли ўқитувчилар мураббий сифатида бириктирилиб, уларнинг меҳнати моддий ва маънавий рағбатлантирилиши лозим. Фаол кузатув, микродарслар, ҳамкорликдаги таълим, мустақил дарс бериш ва касбий портфолио ҳимояси кетма-кетлиги талабанинг реал маҳоратини шакллантиради.

4. Ташқи диагностикани битирувчининг касбий салоҳиятини комплекс баҳоловчи мустақил тизимга айлантириш. Назарий тест синовлари билан бир қаторда педагогик кейслар ечими, моделлаштирилган ёки жонли дарс бериш, бола психологияси ва касбий этикага оид қарорлар таҳлили ҳамда тўпланган касбий портфолио холис баҳоланса, дипломнинг асл қиймати ўтилган соатлар сонидан бола билан бевосита ишлаш маҳоратига кўчади.

5. Ҳар бир педагогика олий ўқув даргоҳи битирувчисининг дастлабки уч йиллик фаолиятини бандлик мониторинги ва мактаб баҳоси билан узвий боғлаш. Ўз мутахассислиги бўйича ишлаш, касбга мослашув кўрсаткичлари, дарс бериш маҳорати, иш жойида муқим қолиш даражаси ва иш берувчиларнинг тавсифномалари ректор ва тегишли кафедралар фаолиятини, шунингдек, профессор-ўқитувчилар юкламасини баҳолашда ҳал қилувчи мезонлардан бири бўлиши керак.

6. Педагогика олий таълим ўчоқларида профессор-ўқитувчиларнинг касб-малака самарадорлигини мактабга кўрсатилган амалий таъсир асосида баҳолаш. Халқаро илмий талаблар сақлаб қолинган ҳолда, илмий изланишларнинг мактаб, боғча ёки педагогика коллежларида синовдан ўтганлиги, ўлчанадиган амалий натижа берганлиги ва ўқув жараёнига жорий этилганлиги асосий баҳолаш мезонига айланиши зарур. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги соҳадаги реал муаммолар асосида мақсадли илмий буюртмаларни шакллантириши, ҳар бир тадқиқот паспортида муаммо илдизи, синов базаси, кутилаётган натижа ва жорий этиш механизми аниқ кўрсатилиши шарт.

7. Ўқув режаларини асоссиз ва тез-тез ўзгартиришга чек қўйиб, далилларга асосланган янгилаш тартибини жорий этиш. Амалдаги ўқув дастурлари миллий касбий профиль, мактаб дастурлари ва янги дарсликлар билан солиштирилиб, такрорланишлар ҳамда мазмуний бўшлиқлар бартараф этилиши керак. Таълим мазмунидаги туб ўзгаришлар камида бир тўлиқ талабалар цикли ва тажриба-синов натижаларига асосланиши, янги дастурлар турли ҳудуд ва шароитларда мустақил баҳолангандан кейингина оммалаштирилиши лозим.

8. Педагогик таълимни ривожлантириш бўйича республика кенгашини икки вазирлик ваколатларини ягона натижа занжирига бирлаштирувчи амалий майдонга айлантириш. Рақамли ягона бошқарув панелида мактабларнинг кадрларга бўлган эҳтиёжи, олийгоҳ дастурлари, талабалар ўзлаштириши, амалиёт мониторинги, якуний диагностика натижалари, битирувчиларнинг дастлабки фаолияти ва ўқувчиларнинг сифат кўрсаткичлари узлуксиз акс этиб туриши лозим. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги — академик сифат ва ривожланиш инфратузилмаси учун, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги — кадрлар буюртмаси, амалиёт базаси ва қайта алоқа тизими учун, олийгоҳ эса тайёрланаётган кадрларнинг касбий етуклиги учун аниқ масъулиятни ўз зиммасига олиши керак.

Ушбу вазифалар янги маъмурий тузилмаларни яратишдан кўра, мавжуд институтларнинг имкониятларини янгона миллий мақсадга сафарбар этишни тақозо қилади. Мактаб қандай ўқитувчи зарурлигини белгилайди, олийгоҳ тегишли компетенцияларни шакллантиради, амалиёт уларни ҳаётда синайди, ташқи диагностика тайёргарлик сифатини тасдиқлайди, устоз-шогирдлик тизими ёш педагогни қўллаб-қувватлайди, мактабдан олинган объектив маълумотлар эса таълим дастурларини узлуксиз такомиллаштириб боради. Бу ерда ташкилий тасарруф — шунчаки восита, боланинг таълим ва тарбиясидаги юксак сифат эса бош ва ягона мақсаддир.

Бундай яхлит тизимни тўлиқ йўлга қўйиш учун бугун етарли сиёсий ирода, ҳуқуқий асос ва барча моддий имкониятлар мавжуд. Президентимиз Шавкат Мирзиёев мактаб таълимини Янги Ўзбекистоннинг инсон капитали, миллий қудрати ва маънавий камолотининг ҳал қилувчи пойдевори сифатида белгилаб бермоқда. Эндиликда яратилган ушбу имкониятларнинг самараси ҳар бир синфхонада, педагог маҳоратида, ўқувчиларнинг билими ва юксак одоб-ахлоқида ўз тасдиғини топиши лозим. Рақамли олам боланинг диққати учун курашаётган ҳозирги даврда қуруқ билимни маънога, маънони ишончга, ишончни эса эзгу амалий ҳаракатга айлантира оладиган устоз ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Уни фақат барқарор, амалиётга таянган ва натижаси аниқ ўлчанадиган замонавий педагогик таълим тизимигина камолга етказа олади.

Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг: “Тарбия бизлар учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир”, деган даъвати бугун янада теран ва ўткир маъно касб этмоқда. Ҳақиқий тарбия бўлажак педагогнинг касбини онгли равишда танлашидан, олий таълимда эгалланган чуқур билим ва юксак маҳоратидан, бола рўпарасига қандай маънавий ва касбий қиёфада кириб боришидан бошланади. Шу боис педагогика олийгоҳларини умумий олий таълим тараққиёти, мактабнинг қатъий буюртмаси ва болаларимиз келажаги билан бирлаштирувчи узлуксиз занжирни мустаҳкамлаш Янги Ўзбекистон пойдеворига хизмат қилувчи энг устувор стратегик вазифалардан биридир.

Фурқат ЖЎРАҚУЛОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси профессори,
сиёсий фанлар доктори.

АДАБИЙ КЕЧИНМАЛАР

Бир мамлакат подшоҳининг якка-ю ягона ўғли бор экан. Кунлардан бир кун ўйнаб юрган шаҳзода фуқаро орасига кирибди. У ғариб-ғураболарни, оғир турмуш тарзини, хору зор инсонларни ва ноҳақликларни кўргач, ўзининг шоҳона ҳаётидан уялиб, гапирмай қўйибди. Аёнлар ҳарчанд уринмасин, шаҳзода сира тилга кирмабди. Табиблар даво излабди, кўнгил чигилини ёзувчи созанда-ю хонандалар бор ҳунарини ишга солибди, аммо унинг тилидаги тугунни ечолмабди. Шунда бош вазир шаҳзодани кенг адирларга — овга олиб чиқишни маслаҳат берибди. Бу чорани ҳам қўллаб кўришибди.

Шаҳзода йўлда кетаётиб, бир булбулнинг овозини эшитиб, тўхтабди ва унга қулоқ тутибди. Унинг хуш наволаридан баҳраманд бўлиб турган маҳал сарбозлардан бири ногаҳон камондан ўқ узиб, қушни уриб йиқитибди. Булбул кўксига камон ўқи санчилганда, шаҳзода оҳ тортиб:

— Агар сайрамаганингда, ўлмас эдинг! — деб юборибди.

Шаҳзоданинг тилга кирганини кўрган мулозимлар хушхабарни етказиш учун шоҳ ҳузурига чопибди. Шаҳзодани шоҳ олдига олиб келишса, у яна лом-мим демасмиш. Алдаб кўришибди, авраб кўришибди, яхши гаплар, ёмон гаплар айтишибди, лекин шаҳзода жим эмиш. Шунда шоҳнинг қаҳри келиб, унга тарсаки тортиб юборибди.

Оғриқдан кўзига ёш келган шаҳзода:

— Гапирмаганимда шапалоқ емас эдим, — деган экан.

Сўзлаш ҳам санъат! Гоҳо бир оғиз сўз айтиш шоир ва ёзувчилар учун ҳаёт-мамот масаласига айланади. Умуман олганда, яхши ижодкор асари замонга қараб, жамиятга қараб, санъаткорона сўзлашдир! Улар асарлари орқали одамларга ҳақиқат йўғрилган гўзал хитобнома тақдим этадилар. Замон билан ҳамнафас, ҳамқадам, ҳаммаслак, ҳақиқатгўй ижодкорлар кўп. Уларнинг бадиий асарга кўчмаган ҳозиржавобликлари ҳам талайгина.

* * *

Одил Ёқубов Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига раис бўлиб турган кезларда Рауф Парфи билан Дилором Исҳоқова: “Биз турмуш қурмоқчимиз, фотиҳа беринг”, дея кириб келишибди. Маълумки, ўша пайтлар Рауф Парфининг тайинли уй-жойи йўқ, анча қийналган даврлари экан. Дилором опа эса прокурорнинг қизи — бадавлат хонадон фарзанди, эрка ва тантиқ. Рауф Парфи бойваччанинг уйига бормайди, Дилором опа эса камбағалликда яшай олмайди. Вазиятнинг нозиклигини пайқаган Одил ака:

— Балиқ билан кўкдаги қуш ҳам бир-бирини севиб қолиши мумкин. Аммо айтинг-чи, улар турмуш қурса, сувда яшайдими ё қуруқликда? — дебди.

Ёшлар кула-кула чиқиб кетишибди. Кейинчалик ижарага уй топишгач, Одил ака уларнинг тўйига бош-қош бўлган экан.

* * *

У пайтларда сўз эркинлиги бўғилган эди. Бир оғиз ортиқча гап кишини хонавайрон қиларди. Кимнингдир туғилган кунида зиёфат қизиб, диллар яйраган чоғда Одил Ёқубов Эркин Воҳидовга: “Нега янги асарлар ёзмаяпсиз, ахир сиз исёнкор шоирсиз-ку, Эркинжон?” — деб қолибди. Эркин ака мийиғида кулиб қўйибди. Қадаҳ сўзи навбати келганида эса оҳиста жавоб қайтарибди:

— Бир безори бор экан. У ичиб олиб, тўйларда тўполон чиқараркан. Бир киши тўй қилмоқчи бўлиб, ўша безорининг олдига борибди. Уни яхшилаб сийлаб, эгнига зарбоф тўн кийгизибди ва тўполон қилмаслик ваъдасини олибди.

Тўй бошланибди. Ҳамма жанжалкашга қарармиш, у эса оғзига толқон солгандай жим эмиш. Тўй охирлаб бораётган бўлса-да, ундан садо чиқмасмиш. Одамларга жанжалсиз тўй қизиқ туюлмабди ва:

— Ҳой, нега жимсан, зерикиб кетдик, касалмисан, сенга нима бўлди, қачон тўполон кўтарасан? — дейишса, ҳалиги одам:

— Эгнимдаги тўнни кўрмаяпсизларми? Тўй эгаси кийдирди, шунинг учун жанжал кўтаришга уялиб турибман, — деган экан.

Эркин ака шу ҳангомани сўзлаб бергач, коса тагидаги нимкосани пайқаган даврадошлар гуррос кулиб юборишибди. Шоир ҳазил-мутойиба воситасида замоннинг қалтислигига ишора қилган, нима сабабдан исён кўтармаётганига ойдинлик киритган эди. Кейин эса: “Бўлди, устоз, бугундан чопонимни ечаман”, дея сўзини якунлаган экан.

* * *

“Биз сўзнинг ҳукмдори эмас, балки хизматкоримиз”, — деган эди Ҳайнрих Ҳайне.

Ҳақиқатан ҳам, сўзга ҳеч ким ҳукмрон бўла олмайди. Энг забардаст адиблар ҳам унга фақат садоқат билан хизмат қилишган. Хоҳ Навоий бўлсин, хоҳ Фирдавсий, хоҳ Шота Руставели бўлсин! Ким сўзга қанчалик ихлос билан хизмат қилса, уни қанчалик сайқаллаб, кўкларга кўтарса, сўз ҳам уни шунчалик баланд мақомларга кўтаради, асрлар оша ардоқлаб олиб ўтади.

Маҳмуд Кошғарий сўзга хизмат қилди: уни тўплади, шарҳлади, сайқал бериб, улкан луғат хазинасини бунёд этди. Туркий халқлар асрлар давомида бу хазинадан маънавий озиқ олди. Гўё шаҳарларни обод этиб оқувчи дарёлар сингари, асрлар қаъридан жилға бўлиб келган бу сўзлар бугун ҳам одамларни ҳаёт уммони сари етаклаб бормоқда.

Ҳазрат Имом Бухорийнинг Саҳвари оламдан кейинги юксак мақомга эришишларининг бош сабаби ҳам шунда: у зот Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзларини — ҳадисларини жамладилар ва бу дурдоналар Қуръони каримдан кейинги энг мўътабар китоб — “Саҳиҳи Бухорий”ни вужудга келтирди. Имом Бухорий ҳар бир сўзни ниҳоятда синчковлик, закийлик ва қатъий талабчанлик билан йиғар, бир каломнинг саҳиҳлигига ишонч ҳосил қилиш учун кўплаб саҳобалар, тобеинлар, муҳаддислар ва ровийлар ривоятларини солиштириб, энг ишончлисинигина танлаб оларди.

Алишер Навоий сўз заргари эди. У сўзга доҳиёна тафаккур ва буюк қалб билан хизмат қилди. Бир қанча илмларнинг етук билимдони экани, бош вазир лавозимида ишлагани, уч юздан зиёд мадраса-ю масжид, кўприклар қурдиргани ва бошқа беҳисоб эзгу ишларига қарамай, Навоий деганда, аввало, кўз олдимизга шеърият султони келади.

Чунки сўзга хизмат қилиш юксак мақомдаги олий вазифадир! Сўзга эҳтиром билан ёндашганлар доимо эъзозда бўлади ва бошқа бирон-бир соҳа эгалари бу қадар юксак эҳтиромга мушарраф бўлолмайди.

Зотан, тил миллатнинг жонидир! Тил йўқолса, миллат ҳам инқирозга юз тутади. Одамлар ҳар томонга сочилиб кетиб, ўзга миллатлар қатламига сингиб йўқ бўлади. Тилни асраш — миллатни асраш, демакдир. Тил мавқеини кўтариш миллат обрўсини кўтаришдир. Тил — сўзнинг қолипи, тилнинг нуфузини эса сўз белгилайди. Тилга хизмат қилиш — миллатга хизмат қилиш деганидир. На косиб, на заргар, на муҳандис ё математик ва на бошқа касб эгалари тилшунос ҳамда адибларчалик миллатга беқиёс хизмат кўрсата олмайди. Дейлик, киши оғир бемор бўлса, унга янги кийимбош, қимматбаҳо пойабзал кийдирганингиз ёки остига қиммат машина қўйганингиз билан соғайиб қолмайди. Унга табибнинг муолажаси, дармон бўлгувчи малҳами керак. Тил миллат хасталанганда шифо бўладиган, соғлом чоғида эса унинг бардавомлигини таъминлаб, асрлар оша барҳаёт сақлайдиган шифобахш малҳамдир, ҳаётбахш руҳдир!

ИСТЕЪДОД – ҲАЁТ ЗИЙНАТИ

Келтирилажак ушбу митти ҳикоя сўз қудрати ҳақида ихчамгина хулоса беради:

Бир сайёҳ бегона бир шаҳарга келиб, уни кафтда тургандек бор бўй-басти билан яхлит кўришни истабди. Шу боис: “Шаҳардаги энг баланд минора қаерда? Мени ўша ерга бошланглар, тепасига чиқиб шаҳарни томоша қилай”, дебди. Шунда одамлар уни шаҳарда яшовчи бир донишманднинг ҳузурига бошлаб келишибди: “Бу зот шаҳар табиати ва одамлари ҳақида шундай мароқ билан сўзлаб берадики, бир зумда бутун шаҳар манзарасини кўргандек бўласан”, дейишибди. Сайёҳ донишманд билан суҳбатлашиб, унинг сўзларидан ниҳоятда қониқиш ҳосил қилибди ва: “Ҳақиқатан ҳам, сиз ушбу шаҳардаги энг баланд минора экансиз”, деган экан.

* * *

Анча йиллар муқаддам бир гуруҳ ижодкорлар билан Бойсунга борган эдик. Кеч куз, ташқари совуқ, далалар тап-тақир. Ўйдим-чуқур йўллар эски автобуснинг тез юришига йўл қўймас, уловнинг тинимсиз силкиниши йўловчиларнинг тинка-мадорини қуритарди. Ташқарида кўзга ташланадиган, киши кўнглини ёзадиган на бир дов-дарахт, на бирор диққатга сазовор манзара кўринарди.

Довруғи етти иқлимга кетган, шеъру достонларда, қўшиғу лапарларда кўкларга кўтариб мақталган Бойсунни интиқиб излаган ҳамроҳларимиздан бири, ниҳоят, оғир уҳ тортиб:

— Қани Бойсун? Мана бу тоғлар гиёҳ ҳам унмайдиган оддий қир-адирлар-ку! Ҳамма томонда кўзга хунук ташланиб ётган, одамни безор қиладиган адирлардан бошқа нарса кўринмайди-ку, Бойсун қаерда ўзи? “Бойсун зўр” деб роса алдашар экан-да, а? — деди нолиб.

Шунда Азим Суюн шундай деди:

— Бу жойлар ниҳоятда гўзал маконлар. Фақат уни кўра билиш, қалб кўзи билан илғаш керак. Қалб кўзи очилмаган одам Ватанни ҳам чин дилдан сева олмайди. Бу тоғларда бетакрор гўзаллик, ўзгача сеҳр ва тароват, минг йиллик юксак виқор ҳамда салобат бор. Шукур Холмирзаев, Усмон Азим, Эркин Аъзамлар нега буюк? Чунки улар биринчилардан бўлиб ушбу сирли табиатни кашф этишди, уни мадҳ этиб, бутун оламга тараннум этишди. Улар ушбу кенгликлардаги бошқалар илғай олмаган беғубор гўзалликни кўра билишди. Аслида, бу тароват мавжуд. Аммо кўпчиликнинг ботин кўзи кўр, ҳайрат туйғулари кишанланган. Ундай кимсалар на Ватанни сева олади, на онанинг қадрига етади ва на муҳаббат тароналарига дилдан жўр бўла олади. Бойсун бағрида ҳайрат ва ҳаяжонсиз юриб бўлмайди! Чунки Бойсун — бу мўъжиза!

Бу сўзларни эшитиб турган Усмон аканинг қадди кўз олдимда бир қарич ўсгандек бўлди.

ИЖОД ВА МЕҲНАТ

Абдулла Қаҳҳор бир вақтлар: “Мен қилган меҳнатни маймун қилганида, ёзувчи бўлиб кетарди”, деган эди.

Бу ниҳоятда камтарлик билан айтилган фикр. Тўғри, Абдулла Қаҳҳор машаққатли меҳнат қилган. У севган касби билан завқ-шавқ ила, вақтнинг қандай ўтганини сезмай, чарчоқ билмай шуғулланган. Бироқ ундаги улкан иқтидор ҳам ёзганларига файз, шира ва чуқур ҳикмат бағишлаган. Натижада китобхонлар қалбини мафтун этган дурдона асарлар дунёга келган.

Уч юз килолик тошни ҳамма ҳам кўтара олмаганидек, ҳар ким ҳам Абдулла Қаҳҳор даражасида асар ярата олмайди. Чунки ҳамма ҳам у кишидек тинимсиз машқ қилиш, узлуксиз заҳмат чекишга қодир эмас, қолаверса, унга йўлдош бўлган, мушкулини осон қилган туғма истеъдод ҳам ҳар кимга насиб этавермайди.

Бу сўзлардан мурод шуки, агар сизда ижодга ихлос бўлса, машҳур шоир ё таниқли адиб бўлишни кўзласангиз, бунинг замирида чексиз меҳнат, тинимсиз заҳмат ва фидойилик ётганини асло ёддан чиқарманг. Меҳнатга ҳозирдан белингизни маҳкам боғланг!

Талабалик кезларимда шеър битиш учун илҳом келишини кутиб ўтирардим. У қурғур эса ўз ихтиёри билан гоҳ келар, кўпинча эса дарак бермасди. Вақт эса кутиб турмас бешафқат оқим экан: илҳом кутиб, бир неча қимматли йилларимизни беҳуда ўтказиб юборибмиз. Кейинчалик англаб етсам, илҳомни кутиб бекор ўтириш эринчоқлик ва ялқовликнинг бир баҳонаси экан. Илҳомни изламасангиз, уни қатъият билан чорламасангиз, ҳар лаҳзада ёнингизда бўлишини талаб этмасангиз, у гоҳ-гоҳ кўриниш бериб, охир-оқибат бутунлай келмай қўяркан. Илҳомни бўй-сундириб, жиловлаб олиш керак экан. Уни ўзингизга қарам қилсангизгина, ёзув столига ўтирган онингиздаёқ ҳузурингизга ошиқаверади.

Колумбиялик бир ёзувчи бисотидаги энг кўзга кўринган буюми — эски автомашинасини сотади-да, пулини аёлига тутқазади: “Буни тежаб ишлатасан. Энди камида бир-икки йил бизга бошқа пул тушмайди. Рўзғор юмушларини тўлиқ ўз зиммангга ол”, дейди ва деворида кичкинагина туйнуги бор хонага кириб кетади. Бу туйнукдан фақат белгиланган вақтларда таом узатилар, ташқи олам билан ҳар қандай алоқа буткул узилган эди. Шу тариқа Габриэль Гарсиа Маркес бир ярим йил давомида тўрт девор ичидан чиқмай, машҳур “Ёлғизликнинг юз йили” романини ёзиб тугатди ва кейинчалик Нобель мукофотига сазовор бўлди. Ўйлайсизми, у хонада ёлғиз ўтирганмиди? Йўқ, албатта. Унинг қошида қалбига олов солиб, тафаккурига нур сочиб турган илҳом париси бор эди. Шубҳасиз, ўша ҳужрада бир ярим йил мобайнида оғир, машаққатли меҳнат қилинди. Ёзувчига бу оғир синов устидан ғалаба қозонишда буюк адиб бўлишга бўлган сўнмас иштиёқи куч-қувват бағишлади. Агар одамни бир ярим йил ҳонага қамаб қўйиш билан шундай роман яралиб қолганида эди, маҳбусларнинг барчаси аллақачон романнависга айланиб кетган бўларди.

Менимча, катта адабиётни кўзлаган ҳар бир ижодкор ана шундай машаққатли меҳнатга руҳан тайёр бўлиши шарт. “Шуҳратнинг ўзи эшик қоқиб келади, бунчалик заҳмат чекиш шарт эмас, катта иқтидор ҳам талаб қилинмайди”, деб ўйлаганлар қаттиқ янглишади. Чунки меҳнат илҳомни чорлайди, қобилиятни чархлайди. Меҳнат қанчалик залворли бўлса, истеъдод ҳам шунчалик ёрқин жилоланади.

“Шеърият орқали нафақат бахт, балки дард ҳам топдим. Ўттиз йилдирки, кечалари мижжа қоқмайман”, — деган эди Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева.

— Ҳаётда бекорчилик билан умргузаронлик қилмаслик керак. Ишлаш керак, тер тўкиш, тинмай ижод қилиш керак, ана ундан кейин дунёни тарк этса арзийди. Маишатбозлик, шуҳратга бурканиб кайфу сафо суриш шоирларнинг иши эмас, — деган эди Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф. Ва у сўзининг устидан чиқди.

Алишер Навоий темурийлар замонида, амир хонадонида таваллуд топди. Тўрт ёшида Мирхонд, олти ёшида Шарафиддин Али Яздий билан учрашиб, уларнинг дуосини олди. Тўққиз ёшида Мавлоно Лутфий таҳсинига сазовор бўлди, ўн саккиз ёшида эса Абдураҳмон Жомийдек буюк мутафаккир билан умрбод дўст тутинди. Ўттиз бир ёшида Хуросон ўлкасининг вазири, кейинчалик эса бош вазир этиб тайинланди.

Ҳисоб-китоб қилган тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, унинг бойлик ва даромади бугунги дунёнинг энг йирик миллиардерлари сармоясидан асло кам бўлмаган. Бироқ шундай чексиз имкониятларга эга бўлган бу буюк зот бир лаҳза бўлсин меҳнатдан тўхтамаган. Бошқа ижодкорлар ўнлаб йиллар давомида битган “Хамса”ни бор-йўғи икки йилда тугатган. Ҳаётининг сўнгги уч йили ичида ўн етти жилдлик бебаҳо асарлар меросини ёзиб қолдирган. Бундай улкан самара чексиз даҳо ва фидокорона меҳнатнинг маҳсули эди!

Ҳаётда мислсиз ютуқларга эришган, буюк салтанатнинг энг ёрқин сиймоси бўлган улуғ шоирнинг қуйидаги мисраларини ўқиганда, киши қалбида меҳнатга нисбатан чексиз муҳаббат ва эҳтиром уйғонади. Одамзодни ҳаёт азобларидан қутқарувчи ягона малҳам меҳнат эканига иқрор бўлади:

Ким кўрди экан жаҳонда аё хушлуқ,
То бир киши айлагай таманно хушлуқ.
Юз йилда агар бир ўлса пайдо хушлуқ,
Омодадурур ёнида юз нохушлуқ.

Бу байтда Навоий ҳаётдан нолиётгани ёки шодмон дамларнинг янада кўпроқ бўлишини орзу қилаётгани йўқ. Агар ҳаёт фақат роҳат-фароғатдан иборат бўлиши керак, деб қарасак, кундалик меҳнатимиз оғир юкка айланади. Меҳнат қилмасак, қобилият куртаклари очилмай сўнади. Агар биз турмушни Навоийдек теран англасак, шодлик онлари камёб эканини тўғри қабул қилсак, яшаш осонлашади. Машаққатли меҳнатимиз ўз ҳосилини бериб, ёнимизда ана шундай “хуш дамлар” намоён бўлганида, бундан ҳосил бўлган қувонч ҳақиқий саодат лаҳзалари эканини дилдан ҳис этамиз.

ТААЖЖУБ

Кунлардан бир кун атоқли ёзувчи Тоҳир Маликнинг тоби қочиб, шифохонага борган экан. Шифокор уни каравотга ётқизиб, бошидан бошлаб бирма-бир текшира кетибди. Бошининг ўзидан беш-олтита хасталикни аниқлабди. Кўкрак соҳасидан ҳам шунча хасталик топиб, ўта жиддий ва ташвишли қиёфада қорин қисмини кўришга ўтибди. Ўзида шунча дард борлигини эшитиб таажжубланган Тоҳир аканинг тоқати тоқ бўлиб, ваҳимачи дўхтирга:

— Дўхтир, шунча хасталикни санаб ташладингиз, ахир бунча дард ўликда ҳам бўлмайди-ку! — дебди.

ЎЗ ҚАДРИНГНИ ЎЗИНГ БИЛ

Яқинда бир ҳамюртимиз Англияда докторлик диссертациясини ёқлаб келди. Беш йилдан бери оиласи билан ўша ерда истиқомат қилар, Кембриж университетида маъруза ўқир экан.

— Бундан йигирма йил олдин биров келиб: “Шундай бўлади”, деса, “Чўпчагингни йиғиштир”, дея уни нари итарган бўлардик. Замон ақл бовар қилмас даражада тез ўзгариб кетди-я! — дедим.

— Мен Англияда туриб Ўзбекистонни қайтадан кашф этдим, — деди у. — Қарасам, фарзандларим уйда ҳам инглиз тилида гаплаша бошлашди. Шундан сўнг уларга ўзбек тилидаги сара китобларни олиб бориб бердим. Шу баҳонада ўзим ҳам кўп нарсани қайта мутолаа қилдим. Болаларимга, қолаверса, талабаларимга бой адабиётимиз ва юртимиз тарихи ҳақида тўлқинланиб сўзлайдиган бўлдим.

Ўзбек халқи дунёнинг энг буюк ва қадимий миллатларидан бири эканига заррача шубҳам йўқ. У инглиздан ҳам, француздан ҳам, япондан ҳам асло кам эмас. Бугун Англияда ҳам Ўзбекистонни ўз кўзи билан кўришни орзу қилаётганлар минглаб топилади.

Шунингдек, ўзбек адабиёти дунёдаги энг бебаҳо, сержило адабиётлардан биридир. Минг афсуски, биз уни етарлича билмаймиз, қадрига етмаймиз, кам ўқиймиз... Биз ўзимиз ардоқламаган бойликни ўзгалар қаердан ҳам қадрласин?

“Адабиёт яшаса, миллат яшайди”, деган ҳикматли ақида бор. Адабиёт яшаса, тил яшайди, тил яшаса, халқ яшайди, халқ яшаса, ор-номус ва ғурур яшайди, ғурур бўлган юртда эса тараққиёт бўлади. Тараққий топган эркин эл эса бошқаларга қарам бўлишдан ўзини асрайди, ўзгалар чалган ноғорага кўр-кўрона ўйнаб кетмайди.

Бундан чорак аср муқаддам Ёзувчилар уюшмасида адабий йиғилиш бўлса, даврада рус миллатига мансуб атиги биргина киши ўтирган тақдирда ҳам, анжуман тўлиқ рус тилида олиб бориларди. Баъзида бундай киши бўлмаса-да, мажлис русча давом этарди. Бу ҳол ўзбек тилининг намояндалари жам бўлган энг нуфузли даргоҳдаги манзара эди. Бошқа муассасаларда мажлисларни рус тилида ўтказиш кундалик одатий қоидага айланиб бўлганди.

Яхши эслайман, шундай йиғилишлардан бирида устоз Саид Аҳмад минбарга чиқиб, дадил равишда соф ўзбек тилида нутқ сўзлаб кетганида, бутун зал у кишининг жасоратига таҳсин айтиб, гулдурос қарсак чалган эди (ҳозир бу ҳақда бугунги ёшларга гапириб берсангиз, балки ишонмас ҳам). Сўнгра Саид Аҳмад ака ўзбек миллий адабиётининг фазилатлари, гўзал қирралари ва бу ўзига хослик, айниқса, ёш қаламкашлар ижодида ёрқин намоён бўлаётгани ҳақида тўлқинланиб сўзлади. Шунда ўша пайтларда ёш ёзувчи саналган О.О. ўрнидан шартта туриб:

Биласизми, сизнинг ва сиз кабиларнинг ижоди нега менга ёқмайди? Чунки сизлар жаҳон адабиётидан бехабарсиз. Масалан, Лотин Америкаси ёзувчиси Хулио Кортасарни ўқиганмисиз? Йўқ! Шундай экан, билмаган ҳолда адабиёт ҳақида ваъзхонлик қилиб нима қиласиз? Тан олинг ўқимаганингизни, асл савияни ҳамма кўрсин! — деб даъво қилди.

Залдагиларнинг нигоҳи Саид Аҳмад акага қадалди: “Хўш, Хулио Кортасарни ўқиганмикан ё йўқмикан?” деган савол ҳамманинг хаёлидан ўтди. Шунда Саид Аҳмад ака сира пинак бузмай, сокин ва ғурурга тўла оҳангда:

— Ўқимаганман, ўқимайман ҳам! Керак бўлса, у мени ўқисин! — деди дадил. — У келиб ўзбек адабиётини ўргансин! Кимни ўқишни мен ўзим яхши биламан. Ўқисам, Навоийни ўқийман, Қодирийни ўқийман, Ойбекни ўқийман. Ўргансам, ўз ўзбек халқимни ўрганаман. Кортасарга эса бекорчи вақтим бўлганида кўз югуртиришим мумкин, ҳозир бунга ортиқча вақтим йўқ. Сенинг бу ерда менга бетгачопарлик қилишинг жаҳон адабиётига бўлган муҳаббатингдан эмас, шунчаки ўзингни кўрсатиб олиш истагингдан бошқа нарса эмас. Бир қишлоқда ҳар не қилиб бўлса-да шуҳрат қозонишни истаган бир кимса бўлган экан. У ёққа чопибди, бу ёққа чопибди — ҳеч ким эътибор қилмабди. Охири эл эътиборини тортиш учун бутун қишлоқ аҳли сув ичадиган муқаддас ҳовузга бориб тупурибди. Шу тариқа ёмон ном билан бўлса-да машҳур бўлган экан. Ука, бу ерда менинг ёқамдан олишинг ўша ҳовузга тупурган нодоннинг қилмишига ўхшайди. Зинҳор бундай эгри йўлдан юрма! Мен ўзим учун зарур китобни танлаб олишни биламан. Бошқалар ҳам шундай. Ҳар бир инсон, аввало, ўз миллий адабиётини, ана ундан кейин ўзга халқлар ижодини ўрганиши керак! — деди.

Очиғи, ўша кезларда О.О.нинг тарафини олганлар ҳам оз эмасди. Кўпчилик ўзбек адабиётининг ўзи бир бутун олам эканини теран англамас эди. Буни англашга тўсқинликлар кўп эди: Ватан ва миллат қадри топталган, миллий ўзлик сиқиб чиқарилган тузумда адабиётнинг асл моҳияти очиқ ўргатилармиди? Инсон ўзи билмаган, моҳиятини англамаган қадриятга қандай қилиб меҳр қўйсин, қандай қилиб уни жонидан ортиқ севсин?

Ҳатто забардаст шарқшунос олим Евгений Бертельс: “Дунёда бешта йирик романчилик мактаби бор эди: рус, инглиз, француз, немис ва Америка романчилик мактаблари. Эндиликда улар қаторига олтинчи — ўзбек романчилик мактаби қўшилди. Бу янги анъанага Абдулла Қодирий ўзининг “Ўткан кунлар” асари билан мустаҳкам пойдевор қўйди”, деганида ҳам кўпчилик бу эътирофга шубҳа ва истеҳзо билан қараган эди. Академик Бертельс дунё таниган улкан олим, бир қатор халқаро академияларнинг аъзоси, донишманд тадқиқотчи эди. У асл истеъдод қандай бўлишини яхши билар ва ўз баҳосини холис ва соф ният билан айтган эди. Мана, бугунги кунга келиб “Ўткан кунлар”га ҳавас ва эргашиш руҳида ўнлаб асарлар битилди. Орадан юз йил ўтган бўлса-да, бу шоҳ асар тобора юксалиб, ўз маҳобати ва буюклигини намойиш этиб келмоқда.



Албатта, бадиий ижод умуминсоний ғояларни тараннум этиши, ёзилган асарлардан жаҳон халқлари баҳраманд бўлиши табиий ҳол. Бироқ дунёда ягона адабиёт ёки яккаҳоким биргина тил бўлиши мумкин эмас. Агар шундай бўлиши ирода қилинганида, Аллоҳ таоло барча инсонларни бир хил тилда яратган бўларди, ҳаммага битта эътиқод, ягона Ватан берарди. Лекин Парвардигор Ер юзидаги инсонларни турли тил, ирқ ва элатларга бўлиб яратди ҳамда ҳар бир инсонга ўз Ватани, ўз она тили ва муқаддас қадриятларини эъзозлашни амр этди.

Ўз миллий ўзлигидан бегоналашиш ўз адабиётини менсимасликдан бошланади. 1936 йили Ёзувчилар қурултойида Акмал Икромов минбардан туриб: “Усмон Носир — бу бизнинг Пушкинимиз!” деганида, бу сўзни кимлардир олқишлаган, кимлардир эса хушламаган экан. Албатта, ҳар бир истеъдод соҳиби такрорланмас олам, бир-биртасини бошқаси билан айнан таққослаб бўлмайди. Бу шунчаки эзгу бир қиёс ва тилак эди. Бироқ шу ондаёқ Усмон Носир ижодига қарши тош отишлар авж олиб, шоирнинг шеърларидан қусур қидирувчилар кўпайиб кетади.

Вақтида “Литературная газета”да атоқли адиб Чингиз Айтматовнинг Одил Ёқубов ва унинг “Улуғбек хазинаси” романи ҳақида қалбни тўлқинлантирувчи мақоласи чоп этилган эди. Унда, жумладан, шундай эътироф бор эди: “Мен ушбу романни ниҳоятда катта завқ ва ҳайрат билан ўқиб чиқдим. Одил Ёқубовнинг бу ютуғига ҳавасим келди. Очиғи, мен бундай роман ёзишга ожизлик қиламан, қўлимдан келмайди. Борди-ю, шундай асар ярата олганимда эди, ўзимни дунёдаги энг бахтиёр инсон ҳис этардим”.

Тасаввур қилинг: жаҳон таниган, сўзини минг ўлчаб бир кесадиган буюк бир адиб бизнинг ёзувчимиз ижодига юксак баҳо бериб, самимий эҳтиром билдирмоқда. Аммо ачинарлиси шундаки, бу эътирофни четдагилар эмас, айнан ўзимизнинг адабий доиралар, баъзи қаламкашлар шубҳа остига олди: “Бу муболаға-ку, ортиқча ва ноўрин мақтов бўлибди!” дея бонг уришди.

Уларнинг ҳасад оловини ҳатто Чингиз Айтматовнинг: “Уйғониш даври маърифати Европа қитъасига қанчалик таъсир ўтказган бўлса, Ўзбекистон заминидан тарқалган илм-маърифат ҳам Марказий Осиё халқлари тарихига шу қадар кучли туртки берган, уларни цивилизация сари етаклаган”, деган сўзлари ҳам сўндира олмади. Аксинча, адибни яна муболағада айблаб, “бунинг ортида қандайдир манфаати бўлса керак”, деган шубҳага боришди.

* * *

Бойсун тумани Маданият саройида Шукур Холмирзаевнинг етмиш йиллик тўйи кенг нишонланган эди. Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов тадбирда сўзга чиқиб, Шукур ака ҳақида чуқур меҳр-муҳаббат билан гапирди. Сўзлаётганда кўзларида ёш йилтиради. Бир лаҳза жим бўлиб қолдилар: овозлари титрар, қалбидаги ички бир изтироб бутун борлиғини қамраб олган эди. Ниҳоят, у киши шундай дедилар:

— Шукур Холмирзаевнинг бадиий маҳорати шу қадар баланд эдики, Нобель мукофотига лойиқ кўрилаётган кўплаб жаҳон адибларининг ютуқларидан ошса ошадики, сира кам эмас. Биз бу ҳақиқатни теран англамоғимиз лозим. Бутун жаҳон адабиётида Шукур Холмирзаев каби ноёб истеъдодлар саноқлидир! Унингдек сўз санъаткорларининг мероси ҳар қандай миллат хазинасининг гултожи бўла олади. Мен Шукур Холмирзаев билан замондош бўлганимдан, унга дўсту ошно ва ҳаммаслак сафдош бўлганимдан чексиз фахрланаман ҳамда бу туйғуни юрагимда бир умр асраб қоламан. Шундай улуғ адибни камолга етказган Бойсун омон бўлсин, шундай забардаст ўғлони бор Ўзбекистон омон бўлсин!

Зал гулдурос қарсакларга бурканди.

Албатта, Абдулла ака бу сўзлари орқали Нобель қўмитасига эътироз билдираётгани ёки “Нега бу мукофотни бизга бермадинг?” дея даъво қилаётгани йўқ эди. У киши шунчаки Шукур Холмирзаев ижоди энг олий эътирофларга муносиб эканини таъкидладилар, холос. Зеро, кимнинг асл даражаси қандай эканини мукофотлар эмас, вақт, тарих ва холис китобхон ҳал қилади. Биз Шукур Холмирзаевни Нобель мукофотини олган-олмаганидан қатъи назар, ўз ардоқли адибимиз сифатида севаверамиз. Шу боис биз учун Усмон Носир — Пушкиндан, Саид Аҳмад эса Хулио Кортасардан кўра азизроқ, севимлироқ ва қадрлироқдир! Чунки улар ўз руҳиятимизга, миллий феъл-атворимизга, дунёқарашимиз ва жону жаҳонимизга бениҳоя яқиндир. Шунингдек, биз Чингиз Айтматовнинг “Улуғбек хазинаси”дек асар ёзишни чин дилдан орзу қилганига тўла ишонамиз. Чунки бу роман нафақат Айтматов, балки дунёнинг кўплаб ижодкорлари ҳавас қиладиган шоҳ асардир!

Боиси бу дурдоналар миллатимиз маънавиятининг узвий бир қисмидир. Ноннинг ушоғи ҳам нон саналиб ардоқланганидек, ҳар бир ватандошимиз миллат вужудининг бир заррасидир. Айниқса, халқ меҳрини қозонган, кўкларга кўтарилган бу забардаст ижодкорлар миллатимизнинг тимсолига айланган улуғ сиймолардир!

Муҳаммад ИСМОИЛ.

ЭҲТИРОМ

ИЛМ, ТАЪЛИМ ВА БУНЁДКОРЛИККА БАҒИШЛАНГАН УМР



ёки Чирчиқ давлат педагогика университети ректори, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, профессор Ғафуржон Исроилович МУҲАМЕДОВ сурати ва сийрати

Инсон ҳаётида шундай учрашувлар бўладики, улар вақт ўтиши билан оддий хотира эмас, тақдирнинг бир қисмига айланади. Айрим инсонлар айтган сўз, билдирган ишонч ва кўрсатган ибрат йиллар давомида инсоннинг йўлини белгилаб туради.

Мен учун профессор Ғафуржон Муҳамедов ана шундай қадрли устозлардан.

Устоз ҳақида ёзиш осон. Айниқса, сен унинг ёнида меҳнат қилган, қарорларининг қандай туғилганини, мураккаб вазиятлардаги босиқлигини, ёш олимнинг ютуғидан чин дилдан севинганини кўрган бўлсанг.

Ғафуржон Исроилович учун университет ҳеч қачон бинолар йиғиндиси бўлмаган. Университет – талаба тақдири, ёш олимнинг орзуси, ўқитувчининг меҳнати ва жамоанинг келажак олдидаги масъулиятидир.

Шунинг учун 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида устоз ҳақида сўз юритар эканман, у кишининг лавозим ва юксак унвонларидан кўра, Чирчиқда яратган илмий-педагогик муҳити ҳақида сўз айтишни жоиз деб билдим.

2017 йилда Чирчиқда янги педагогика олий таълим муассасаси ташкил этилди. Янги даргоҳ олдига малакали педагог кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион тадқиқотларни ривожлантириш, мактаблар билан ҳамкорликни кучайтириш каби катта вазифалар қўйилди.

Аммо янги университетни барпо этиш қарор ёки ҳужжат билан тугамайди. Унинг жамоаси, илмий муҳити, анъаналари ва энг муҳими, ўз руҳи шаклланиши керак. Устоз ана шу масъулиятни ўз зиммасига олди. Ўша йилларни эсласам, ҳали кўп нарса энди шаклланаётган, аммо жамоада катта мақсад бор эди. Устоз бизга тайёр университетни бермади. У бизга олий таълим даргоҳининг бунёд этилишидаги катта масъулиятини ҳам берди.

Тайёр тизимда ишлаш мумкин. Янги тизим яратиш учун эса билимдан ташқари ирода, сабр ва одамларни бир мақсад атрофида бирлаштира олиш қобилияти керак.

Ғафуржон Исроилович кўп такрорлайдиган саволлардан бири шундай эди:

“Биз бошқалардан нимамиз билан фарқ қиламиз?”

Англашимизча, бу янги ташкил этилган институт учун оддий савол эмас, стратегик вазифа эди. Чунки янги олий таълим муассасаси мавжуд университетларни такрорлаб қолмасдан, ўз илмий йўналиши ва ўз ғоясига эга бўлиши керак эди.

Ана шу изланишлар натижасида “Педагогик таълим инновацион кластери” ғояси шаклланди. Унинг моҳияти университет, мактаб, илмий тадқиқот ва амалиётни бир тизимда боғлашдан иборат бўлди.

Кластер ғояси кабинетда ўйлаб топилган чиройли атама эмас эди. У мактаб билан университет ўртасидаги масофани қисқартириш эҳтиёжидан туғилди.

Университетда ғоя бор, аммо у мактабга етиб бормаса, илмнинг таъсири тўлиқ намоён бўлмайди. Мактабда эса ҳар куни педагогик муаммолар пайдо бўлади. Уларга илмий ечим керак.

Устоз ана шу икки муҳитни яқинлаштиришга интилди.

“Мактаб-лаборатория” — назария ва амалиёт учрашган майдон.

Педагогик таълим инновацион кластерининг муҳим амалий кўринишларидан бири “Мактаб-лаборатория” майдончалари бўлди.

Бу оддий ҳамкорлик эмас эди. Мактаб тадқиқот майдонига, университет эса унга илмий ва методик ёрдам берувчи ҳамкорга айланди.

Биз учун бу қоғоздаги концепция эмасди. Унинг ортида мактабга борган олимлар, ўқитувчилар билан мулоқотлар, талабалар амалиёти, тажрибасиновлар ва кўплаб муҳокамалар бор эди.

Устоз ҳар қандай янги ғояга ўта жиддий ёндашарди:

“Натижаси нима бўлади?”

Бу ўй, фикр ҳаммани тартибга соларди. Чунки устознинг ҳузурига фақат яхши ният билан кириб бўлмасди. Далил, натижа ва ечим керак эди.

Менимча, олимлик билан раҳбарлик Ғафуржон Муҳамедов шахсиятида айнан шу нуқтада бирлашган.

2017 йилдан 2026 йилгача бўлган давр бугунги Чирчиқ давлат педагогика университети учун бутун бир тарихдир.

2017 йилда институт сифатида фаолият бошлаган даргоҳ 2022 йилда университет мақомини олди. Бу шунчаки ном ўзгариши эмас, балки йиллар давомида қилинган меҳнат, шаклланган жамоа ва орттирилган ишончнинг натижаси эди.

Чунки институтни ташкил этиш мумкин. Аммо университетни шакллантириш учун муҳит, илм, анъана ва жамоавий ишонч керак.

Баъзан ўша йилларни эслаб, бугунги университетга қарайман. Ўша орзулар билан бугунги манзара орасида қанча меҳнат борлигини бу жараён ичида бўлган одамгина тўлиқ ҳис қилади. Университетни бунёд этиш, қуриш, аслида, маърифатли келажакка қадам ташлашдир.

Ғафуржон Исроилович ҳақида фақат раҳбар сифатида гапириш камлик қилади. У, аввало, олим. Шунинг учун у ёш ўқитувчининг бугунги лавозимига эмас, эртага ким бўлиши мумкинлигига қарайди.

“Илмий иш қиляпсизми?”, “Мавзуингиз нима?”, “Қачон ҳимоя қиласиз?”

Бу саволларни университетда кўпчилик эшитган. Устоз сендан ўзинг кутгандан кўра кўпроқ натижа кутаётганини ҳис қиласан. Кейин тушунасан: ҳақиқий устознинг вазифаси сенга қулайлик яратиш эмас, сени ўсишга ундаш. Сен ўзингда кўрмаган имкониятни у кўради. Сен шубҳаланган пайтингда у киши сенга вазифа беради. Вазифа билан бирга, ишонч ҳам. Шогирд учун устознинг ишончи баъзан ҳар қандай мукофотдан қиммат.

Устозни узоқдан таниган одам жуда-жуда талабчан раҳбар сифатида кўриши мумкин. Биз эса бу талабчанликнинг ортида катта меҳр борлигини ҳамиша ҳис қилганмиз. Бу меҳр баландпарвоз сўзларда эмас, ишончда намоён бўлади: ёш ўқитувчига катта вазифа топширишда, биринчи мақоласини сўрашда, шогирднинг ҳимоясидан севинишда. “Сиздан катта натижа кутяпман”, деган бир гапларининг ўзи баъзан инсонга катта рағбат беради. Ҳақиқий устоз одамни камчилиги билан эмас, имконияти билан кўради.

Катта натижалар ҳақида гапирганда бир инсонни марказга қўйиб, жамоанинг меҳнатини унутиб қўйиш тўғри эмас. Ғафуржон Исроилович ҳам университет ютуқларини ҳеч қачон бир кишининг натижаси деб билмаган.

Чунки университет — жамоавий асар. Унда профессор ҳам бор, ёш ассистент ҳам, талабалар ҳам, лаборант ҳам, техник ходим ҳам. Раҳбарнинг вазифаси ана шу турли меҳнатларни бир мақсад атрофида бирлаштира олишдир. Чирчиқ давлат педагогика университетида биз биргаликда ўсдик, ўргандик, хулоса чиқармоқдамиз. Мақсад битта: янги ташкил этилган даргоҳни муносиб олий таълим масканига айлантириш.

2026 йилдан туриб 2017 йилга қарасам...

Бугун ўтган 9 йилнинг нақадар тез ўтганига ҳайрон қоламан.

Ўшанда институт эндигина ташкил этилган эди. Бугун эса унинг ўз номи, илмий йўналишлари, анъаналари ва битирувчилари бор. Бу натижа бир кунда пайдо бўлмади. Унинг ортида тонгги йиғилишлар ҳам бор, кечки муҳокамалар ҳам. Танқид ҳам бор, натижа учун айтилган самимий раҳмат ҳам.

Устоздан ўрганган энг муҳим сабоқларимдан бири шу: катта натижа бир марталик катта ҳаракат билан эмас, ҳар куни қилинган тизимли меҳнат билан яратилади.

“Устоз олдидаги қарз” деган иборани кўп ишлатамиз. Лекин бу қарзни совға, табрик ёки чиройли сўз билан узиб бўлмайди. Устоз олдидаги энг катта қарз — унинг сенга берган ишончини оқлаш. У ўргатган меҳнат маданиятини бошқаларга етказиш. У сенда уйғотган илмга ҳавасни кейинги авлодга бериш.

Ғафуржон домланинг энг катта ютуғи ҳақида сўрашса, кимдир университетни, кимдир педагогик таълим инновацион кластерини, кимдир илмий ишларини айтиши мумкин. Албатта, бу эътирофлар юз гапдан тўғри. Мен эса шогирд сифатида яна бир нарсани айтган бўлардим:

Устознинг энг улуғ фазилатларидан бири — инсон қадрини эъзозлашларидир. Бу эъзоз илмга кириб келган ёш олим, ўз кучига ишона бошлаган ўқитувчи, биринчи мақоласини ёзган тадқиқотчи, мактабда болаларга дарс бераётган битирувчи — уларга қаратилади доимо.

Ҳа, уларнинг ҳар бирида устознинг ҳиммати, меҳри, эътибори мужассам.

Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан муҳтарам устозимиз — кимё фанлари доктори, профессор Ғафуржон Муҳамедовга мустаҳкам соғлиқ, хотиржамлик, илмий ва ижодий куч-қувват тилаймиз. Ҳамиша бор бўлинг, умрингиз узоқ бўлсин, улуғ устоз!

Самаридин ҚОРАЕВ,
педагогика фанлари доктори,
профессор.

ЎЗБЕКИСТОН – ИККИ КАРРА ОЛИМПИАДА ЧЕМПИОНИ!

1-б.

Швейцарча тизимда асосан 5-турдан бошлаб ғолибликка даъвогарлар бир-бирига қарши дона суришади. Айнан 5-турда жамоамизнинг кучлилар қаторидаги Венгрия вакилларини тормор этгани барча жамоаларни сергак торттирди. Кўтаринки кайфиятдаги жамоамиз 6-турда амалдаги олимпиада чемпиони Ҳиндистон вакилларига қарши жангга чиқишди. Учта тахтада жанговар дуранг қайд этилди. Мардонавор дона сурган Нодирбек Ёқуббоев 65-юришда ютуғини расмийлаштирди ва умумий ҳисобдаги ғалабамизни таъминлади – 2,5 : 1,5.

Еттинчи турда гроссмейстерларимиз “Хитой девори”ни забт этишди. Абдусатторов ва Ёқуббоевда ютуқ, Синдоров ва Мадаминовда дуранг, 3 : 1 ҳисобидаги ғалаба. Бироқ 8-турда Германияга қарши ўйинда Синдоров ғалаба қозонса-да, Ёқуббоев ва Воҳидов мағлубиятга учради. Жамоамиз етакчиси Абдусатторов Каймерга қарши ўйинда сўнгги юришгача ғалабага интилди, барибир, дуранг қайд этилди. Жамоамиз 1,5 : 2,5 ҳисобидаги мағлубиятни қабул қилди.

Саккизинчи турда таниқли гроссмейстерлардан иборат АҚШ вакилларига қарши дона суришимиз керак. Тажрибали Рустам Қосимжонов жамоани масъулиятли баҳсга тайёрлай олди. Мадаминов ўз вазифасини аъло даражада бажарди, 31-юришдаёқ икки карра олимпиада чемпиони Аронян билан дурангга келишди. Лекин Синдоров рақибига ютқазди. Абдусатторов Каруанани ютиб, ҳисобни тенглаштирди. Узоқ давом этган Ёқуббоев – Ниамен ўйинида ҳамюртимиз 66-юришда рақибини таслим қилиб, жамоамизнинг ғалабасини расмийлаштирди – 2,5 : 1,5.

Ғалабадан руҳланган жамоамиз 10-турда Арманистонни йирик ҳисобда енгди – 3,5 : 0,5. Йирик ҳисобдаги ғалаба ортида теран тайёргарлик бўлганлигини таъкидлашни истардим. Абдусатторов дурангни хуш кўрувчи Мартиросянни биринчи юришдаёқ жангга чорлади, яъни рақибининг “e4” юришига “d4” юриши билан жавоб қайтарди. Очиқ жангга тайёр бўлмаган Мартиросян охир-оқибат мағлубиятга учради. Синдоров Оганесянга қарши 13-юришдаёқ сифат қурбони билан бошланувчи ўйинни таклиф қилди. Кейин Синдоров шу қадар аниқ юришлар қилдики, рақиби таслим бўлишдан бошқа иложи қолмади. Мадаминов эса уч карра олимпиада чемпиони Саркисянни мағлуб этди. Ёш шахматчимизга офарин! Ҳисобни кузатиб турган Ёқуббоев рақиби билан дурангга келишди.



Ниҳоят, ҳал қилувчи 11-тур. Рақибимиз совринли ўринларга даъвогар Украина жамоаси. Муросасиз баҳс бошланди. Яна Мадаминов 55-юришда рақибини енгиб, вазифамизни енгиллаштирди. Лекин Синдоров ва Ёқуббоев дурангга ҳаракат қилишлари лозим. Вазиятни кузатиб турган Абдусатторов яна ғалаба учун ўйнай бошлади. Ўйинлар қизғин давом этаётган вақтда асосий рақибимиз Ҳиндистон Венгрия билан дуранг қайд этгани маълум бўлди. Бу натижа Ўзбекистоннинг олимпиада чемпиони бўлганини англатарди. Аммо йигитларимиз ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришда давом этишди. Синдоров ва Ёқуббоев ўз ўйинларини дуранг билан якунлади. Ўйинлар қандай тугашини кузатиб турган Абдусатторов рақиби билан дурангга келишди. Бу Ўзбекистон Украинани 2,5 : 1,5 ҳисобида мағлубиятга учратганини, олимпиада чемпиони бўлганини билдирди.

Ҳа, юртимиз гроссмейстерларининг Самарқанд олимпиадасидаги чемпионлиги жумла жаҳонга Ченнай олимпиадасидаги олтин, Будапешт олимпиадасидаги бронза медалимиз тасодиф эмаслигини, Ўзбекистонда давлатимиз раҳнамолигида шахмат жадал суръатларда ривожланаётганини исботлади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев шахмат бўйича Ўзбекистон терма жамоасига табрик йўллаб, ғолиб гроссмейстерларимизни, уларнинг ота-оналари ва мураббийларини, халқимизни оламшумул ғалаба билан муборакбод этди.

Олимпиада давом этаётган вақтда Халқаро шахмат федерацияси(FIDE)нинг Самарқандда навбатдаги конгресси бўлди. Бош ассамблея қозоғистонлик Тимур Турловни FIDE президенти этиб сайлади. Қувонарлиси, Рустам Қосимжонов FIDEнинг фахрий вице-президенти, Ҳулкар Тоҳиржонова FIDEнинг Марказий Осиё давлатлари бўйича минтақавий президенти этиб сайланди, Ўзбекистон шахмат федерацияси “Йилнинг энг яхши федерацияси” дея эътироф этилди.

Энди олимпиада натижаларига қайтсак. Эркаклар мусобақасида совриндорлар қуйидаги тартибда жойлашди: 1. Ўзбекистон 20 очко. 2. Ҳиндистон 18 очко. 3. Германия 18 очко (ўринлар қўшимча кўрсаткичларга кўра аниқланди). Аёллар мусобақасида: 1. Хитой 20 очко. 2. Қозоғистон 18 очко. 3. Ҳиндистон 17 очко. Ўзбекистон аёллар терма жамоаси 15 очко билан 13-ўринни эгаллади. Олимпиадада ўз тахталарида яхши натижага эришган шахматчилар ҳам тақдирланади. Биринчи тахтада 8,5 очко тўплаган Нодирбек Абдусатторов олтин, иккинчи тахтада 7 очко тўплаган Синдоров бронза (унга “Олимпиаданинг энг яхши шахматчиси” совриси ҳам берилди), учинчи тахтада 7,5 очко тўплаган Нодирбек Ёқуббоев кумуш медалга сазовор бўлди. Шунингдек, кўплаб номинациялар бўйича жамоаларга совринлар берилди.

Тақдирлаш маросими ниҳоясида FIDE президенти Тимур Турлов 47-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси 2028 йили Абу Даби шаҳрида бўлишини эълон қилиб, Бирлашган Араб амирликлари шахмат федерацияси вакилларига олимпиада байроғини топширди.

Асрор МЎМИН,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

ЁҒДУ

Оқила журналист бўлади, шекилли...



Катта қизимиз Оқилахон бу йил 1-синфга чиқади. Ҳозирданоқ лотин ва кирилл алифбосида бемалол ўқийди, ёзади. Арифметик амалларга уста. Фикрлари теран. Кўп савол беради. Баъзан сўровларига онаси иккимиз ўша заҳоти жўяли жавоб тополмай қоламиз.

Хуллас, давлат мактабида ўқитадиган бўлдик.

Ҳужжат тайёрлашга чиққан кунимиз чорраҳага ўрнатилган катта паннодаги “Янги Ўзбекистон” деган ёзувни кўриб, савол бериб қолса денг: “Дада, биз эски Ўзбекистонда яшаймизми ёки янгисидами?”

— Янгисида яшаймиз, қизим, янгисида, — гапни қисқа қиламан.

— Эски Ўзбекистон қайси томонда ўзи? — савол беришда давом этади у.

Қандай тушунтиришни билмай, гапни бошқа мавзуга бураман.

Поликлиникадан маълумотнома олиш чоғида бироз навбат кутишга тўғри келди. Ланг очиқ эшиклардан бирининг ички қисмига ёпиштирилган, ислом динида шифокорнинг қандай мақомларга эга эканлиги эслатилган ёзувлар қизимнинг эътиборини тортибди. Эслатманинг якунида “Шифокорни беҳурмат қилган одам пайғамбар (с.а.в.)ни беҳурмат қилган билан баробар экан” деган жумлалар бор эди.

— Дада, нотўғри ёзишмаганми булар? Шифокор пайғамбар эмас-ку, — дея ёзувни ўқий туриб савол берди у.

Тўсатдан берилган бу каби саволларга дарҳол жавоб қайтаришга ўйланиб қолади одам. Нима дейишни билмай:

— Буни қайси китобдан олиб ёзганини уни ёпиштирган доктордан сўраб кўриш керак, — деб жавоб бердим...

Поликлиникада ишимиз битиб, ҳовлига чиқсак, “Тез ёрдам” машинаси келиб қолди. Ундан тушган шифокорлар бошини ушлаганча бувисининг етовида бинодан ташқарига чиқиб келаётган, кўринишидан 8-9 яшар қиз томон югуришди. Боши ёрилган, шекилли, боёқишнинг.

Бу вазиятни кузатиб турган Оқилахон яна мени саволга тутди:

— Дада, ҳамма докторлар шу ерда бўлса, нимага “Тез ёрдам” чақиришади?

Бу саволга сиз нима деб жавоб берган бўлардингиз?

Бу қизимиз журналист бўлади, шекилли...

Нурилло НЎЪМОНОВ.

Hurriyat Mustaqil gazeta

Муассис: Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси

Бош муҳаррир Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.

Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

Адади: 3621
Буюртма — Г-944

1 2 3 4 5 6

Топширилиш вақти — 21⁰⁰
Топширилди — 23⁰⁰

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (71) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70

ISSN 2181-0680

Обуна индекси: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Манзилимиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Эркин Ёдгоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: Йўлдош Маҳмудов. Мусаҳҳиҳ: Зуҳра Ҳасанова.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.